O‘zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda
На посту

2022-yil
27-yanvar
Payshanba

№ 4 (4542)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ЎЗГАЛАР ТАШВИШИНИ ЎЗИНИКИ БИЛИБ...



Ҳар қандай жамиятнинг яшаш тарзи, маданий даражасини белгилайдиган турли мезонлар мавжуд. Улар орасида миллатнинг маънавий камолоти, келажагини белгилаб берувчи омиллардан бири сўзсиз хотин-қизларга бўлган муносабатда кўринади.

Шу боисдан мамлакатимизда хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жамият тараққиёти йўлидаги фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларга ҳуқуқбузарликлар содир этган, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шунингдек, оилавий муаммоларга, зўравонликка дуч келаётган аёлларни аниқлаш, улар билан якка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказиш ва шу орқали соғлом турмуш тарзига қайтариш каби муҳим вазифалар юкланди.

Ана шундай намунали хизмат олиб бораётган ходималардан бири сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, капитан Иғбал Абдусадиқовани келтириш мумкин. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йил давомида тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида 110 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. «Аёллар дафтари»-га киритилган 600 дан ортиқ хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди.

2

Аёл ва жамият

Ўзгалар ташвишини ўзиники билиб...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

– ИИВ Академиясини тамомлаб келганимдан сўнг, дастлабки фаолиятимни Қўнғирот тумани ИИБда терговчи лавозимида бошладим, – дейди капитан И. Абдусадиқова. – Кейинчалик эса Қонликўл тумани ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори лавозимига тайинланиб, ҳозирда ушбу лавозимда хизмат қилиб келяпман. Ўзим мазкур ҳудудда туғилиб ўсганим боис, бу ердаги хотин-қизларнинг яшаш шароити, муаммолари мен учун олдиндан таниш. Тумандаги хотин-қизларнинг масалаларини ўрганиш чоғида турли ҳолатлар учрайди. Бугунги кунда хотин-қизларимиз орасида учраётган муаммоларни ҳал этишнинг йўлларидан бири, энг аввало, уларнинг бандлигини таъминлаш, саводхонлигини ошириш ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун ўзаро мулоқот йўлларини топиш деб ўйлайман.

Масалан, «Бескўпир» овул фуқаролар йиғинида ўтказилган ўрганишлар давомида мазкур ҳудудда яшовчи турмушидан ажралган бир аёлнинг тахминан 7-8 ёшлар атрофидаги қизи билан яшаб келаётганига гувоҳ бўлдик. Маълум бўлишича, унинг қизида эшитиш ва гапириш билан боғлиқ муаммо мавжуд экан. Онаси уни даволатишга имкони йўқлиги сабабли, қизча мактабга бормай қўйган. Аёлнинг маълумоти йўқлиги боис, ҳатто, давлат идораларидан ҳам ёрдам сўрашга тортиниб келган.

Масалани ҳал этиш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида қиз Нукус шаҳридаги махсус мактабга жойлаштирилиб, унга ногиронлик нафақаси тайинланди. Кўриб турганингиздек, маълумот ва мулоқотнинг йўқлиги кишига қанчалик қийинчиликлар туғдирмоқда.

– Мен И. Абдусадиқова билан мазкур лавозимда фаолиятини бошлаганидан буён ҳамкорлик қиламан, – дейди «Жана қала» ОФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари Алима Бекмуратова. – Ўтган вақт мобайнида ўзгалар ташвишига



бефарқ эмаслиги, жонкуярлиги, доимо имкон доирасида ёрдам беришга интилиши билан аҳоли орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Ўтган йили бизнинг овул фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган ўрганишлар давомида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлардан 10 нафарига тадбиркорликни бошлаши учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам берди ҳамда келишмовчилик туфайли ажрашишга қарор қилган 7 оила яраштирилди. Тўғри, айрим оилавий низоларни ҳал этишга борганимизда, «Шу ёш қиз бизга қандай ақл ўргатиши мумкин» дегувчилар ҳам учраган. Биз уларга халқимизнинг «Кўп яшаган эмас, кўпни кўрган билади» деган мақоли билан атрофлича жавоб қайтарамиз.

Боланинг таълим-тарбияси, ҳаёт йўлини тўғри танлаш орқали жамиятга муносиб шахслар бўлиб етишишида оиланинг, айниқса, хотин-қизларнинг роли муҳимдир. Зеро, уларнинг фаоллигини таъминлаш, саводхонлигини ошириш, маънавий дунёсини юксалтириш орқали бевосита бунга таъсир кўрсатган бўламиз. Ана шундай ишларни амалга оширишда И. Абдусадиқова сингари ўзгалар ташвишини ўзиники каби ҳис этувчи фидойи ходималар бор эканлиги кўнглимизни хотиржам қилади.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«На посту» мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Hikmat



Til shirinligi — ko‘ngilga yoqimlidir; muloyimligi esa — foydali. Chuchuk til achchiqqa aylansa ko‘pchilikka zarari tegadi; qanddan may tayyorlansa harom bo‘ladi. Shirin so‘z sof ko‘ngillar uchun asal kabi totlidir; bolalar uchun muloyim tabiatli odam — halvofurush kabi sevimlidir.

* * *

Har kimningki so‘zi — yolg‘on, yolg‘onligi bilingach, uyatga qolg‘on; yolg‘onni chindek gapiruvchi so‘z ustomoni — kumushga oltin qoplab sotuvchi zargar. Yolg‘on-afsonalar bilan uyqu keltiruvchi yolg‘onchi — uyquda alahlovchi. Yolg‘on gapiruvchi g‘aflatdadir; so‘zning bir-biridan farqi ko‘pdir, ammo yolg‘ondan yomonroq turi yo‘qdir.

Alisher NAVOIY.

Шеърий лаҳза



ВАТАН ЖИМ ТУРАДИ

Ватан жим туради,
аммо у ҳақда
Тоғдан тушиб келган
тош сўз айтади.
Бир садолар келар
жим-жим куртакдан,
Осмондан келган
қуёш сўз айтади.

Ватан жим туради,
байроғи ёниб
Бошидаги туғи
айтади сўзни.
Мозийлардан келиб —
чир-чир айланиб,
Момомнинг урчуғи
айтади сўзни.

Ватан жим туради.
Саболарининг
Найларга қўшилиб
бўзлари кўпдир.
Саратон. Даштдаги
боболаримнинг
Пастак чайлаларин
сўзлари кўпдир.

Ватан жим туради...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.



Юксак мукофот соҳиблари

«МЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН!»



Дунё юрти учун кўкси қалқон, ориятли ўғлонларга суяниб яшайди. Негаки, юрагига Ватан байроғи қадалган бундай мардлар эл-улусни ёвдан ҳимоя қилишга доим тайёр туради. Керак бўлса, жонини фидо қилишни шараф деб билади. Халқ эса ўз қаҳрамонларини ҳеч вақт унутмайди.

Не бахтки, халқимизнинг ана шундай фидойи ўғлонлари кўп. Улардан бири Термиз шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими взвод командири вазифасида фаолият юритган кичик сержант марҳум Акбар Эсановдир. У болалигидан мард, тўғрисўз бўлиб улғайди. Вояга етгач, осойишталик посбони бўлишга қарор қилди.

– Укам Акбаржон мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Термиз давлат университетига ўқишга кирди, – деб эслайди Баҳодир Эсанов. – Университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, бир муддат мактабда муаллимлик қилди, аммо юрт посбони бўлиш истаги уни сира тарк этмасди. 2002 йилда Термиз шаҳар Ички ишлар бўлими ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимига хизматга қабул қилинди.

Акбар Эсанов 2000 йилда юртимиз сарҳадларига ёвуз ният билан келган босқинчилар билан жанг қилиш учун кетаётган хизматдошлари ҳақида эшитиб, юрагида олов уйғонди. Оила аъзоларига мен «ҳарбий ўқув»га кетяпман деб, ўз ихтиёри билан Сариосиё томон сафдошлари билан бирга йўл олди.

...Сентябрь ойи, илиқ кузнинг эпкини эсган маҳал. Акбаржон ва унинг сафдошлари Киштут тоғига етиб боришди. Эртаси куниёқ уларни уч кишидан бўлиб, белгиланган ҳудудларга жойлашишларини айтишди. Акбаржон бошлиқ яна икки нафар сафдоши белгиланган ҳудудга қараб йўл олди. Улар борган жой жангарилар тўпланадиган қароргоҳ бўлиб чиқди. Душман тараф 17 киши эди. Бироқ Акбаржон ўзини йўқотмади. Шу ернинг ўзида жанг бошланиб кетди. Кўп сонли душманга қаршилик кўрсатолмасликларини фаҳмлаган Акбаржон икки шеригини пастга юбориб, ёлғиз ўзи панароқда то сўнгги нафасини олгунича душманга қарата ўқ отишда давом этди. Ахийри, танасини тешиб ўтган душман ўқлари ўз ишини қилди. Жасоратли ўғлон жангда мардларча ҳалок бўлди.

Эндигина 26 ёшни қаршилаган йигитнинг ортида турмуш ўртоғи Шоирахон бўзлаб қолди. Лекин ундан ёдгорлик бўлиб қолган қизи Шаҳноза ва ўғли Аҳрорбек унинг ярасига малҳам бўлди...

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни кичик сержант марҳум Акбар Эсанов кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Президентимиз фармонига кўра, «Жасорат» медали билан тақдирланди. Мукофотни унинг ўғли Аҳрорбекнинг кўксига Ички ишлар вазири П. Бобожонов таққанида кўзларда меҳр олови ёлқинланди.



– Отам худди ёнимда тургандек туюлди, вужудимни алланечук ҳис чулғаб олди, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Аҳрорбек Эсанов. – Отам оламдан ўтганида мен 2 яшар болакай эдим. Мард, жасур инсоннинг фарзанди эканлигимдан доим фахрланаман. Шундай инсоннинг муносиб ўғли бўлишга, мени аллалаб катта қилган Ватан учун наф келтиришга ҳаракат қиламан.

Акбар Эсановнинг хотираси абадий сақланиши, жасорати ёш авлодга ўрнак бўлиши учун ўзи таҳсил олган Термиз шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида хотира бурчаги ташкил этилган. Доим унинг ёди, кўрсатган мардлиги эсга олинади.



...Қаҳрамон ўғлон таҳсил олган мактабдан чиқиб, у юрган кўчалардан ортга қайтар эканман, беихтиёр, шоир Ҳамид Олимжоннинг ушбу тўртлиги худди унинг номидан янграётгандек хаёлимдан ўтди:

Халққа айтинг,
мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам
бўлганим йўқ.
Мен элимнинг
юрагида яшайман,
Эрк деганнинг
тилагида яшайман!

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ НАВҚИРОН ХОДИМИ



Ўғлим Дилшоджон кўксида медаль, қўлида гуллар билан кириб келиб, «Онажон, бу сизнинг берган тарбиянгиз, ҳар тонг оқ фотиҳа билан хизматга кузатганингиз шарофатидан» деганда, дунёда мендан бахтлироқ она йўқ эди, – дейди Шарбат ая Шодиева ҳаяжонини яширмай. – Ишонасизми, кўз ёшларимни тия олмадим. Кўнглим қувончга тўлиб, ўн беш ёшга ёшардим.

Ҳа, ҳар бир она фарзандининг ютуқларидан кўкси фахрга тўлиб, чексиз қувонади. Бугун Шарбат ая ҳам юртимизнинг ана шундай саодатманд оналаридан бири. Унинг ўғли Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири, кичик сержант Дилшод Умирзаков Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Дилшод Умирзаков ўн олти йиллик хизмати мобайнида бири иккинчисини такрорламайдиган вазиятларда ўзининг ҳушёрлиги, топқирлиги, тезкорлиги, жўяли таклифлари, мулоҳазакорлиги билан касбдошлари ишончини қозониб, жамоасида ўз ўрнини топган ходим.

– Амаким ички ишлар органлари ходими эди, – дейди қаҳрамонимиз. – Болалигимда уларнинг ўзига ярашган либосда виқор билан хизматдан қайтишини кўрганимда жуда ҳавасим келарди. Бу ҳавас вақт ўтиб, масъулияти оғир, аммо шарафли касбни танлашимда менга ишонч берди.



Яқинда ҳамкасбим билан хизмат олиб бораётган вақтимизда бир онахонга дуч келиб қолдик. У «Оқ сариқдан келган, тўрт ёшлар чамаси, кўк курткадаги болани кўрмадингларми?» дея атрофга олазарак боқиб, йўқолиб қолган набирасини изларди. Онахоннинг бутун вужудини қўрқув эгаллаган, устига-устак қишнинг куни қисқа эмасми, қош қорайиб борарди. Биз ҳам зудлик билан болакайни излашга тушдик. Ва ниҳоят уни топдик. У бувиси аёллар билан ўзаро суҳбатлашиб турганида қўшни маҳалла болаларига қўшилиб ўйнаб, икки кўча нарига узоқлаб кетиб қолган экан.

Қаҳрамонимизнинг аҳил-иноқ оиласида ҳам фарзандлари – дилбандлари Сабина, Ҳумоюн улғаймоқда. Турмуш ўртоғи Нафисахон болалар шифокори, ўз хонадонида ораста бекаликни жойига қўядиган очиққўнгил аёл.

Кўҳна Самарқанд ҳамиша маҳаллий аҳоли, юртимиз ва хорижий сайёҳлар билан гавжум. Бу шаҳарда хизмат олиб боришнинг фахрлилиги билан бирга ўзига яраша қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Кичик сержант Дилшод Умирзаков эса касбини ардоқлаб, бурчига садоқатини ҳушёрлигу фидойиликда намоён этиб, эртакнамо гўшанинг осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган навқирон ходимлардан, десак асло муболаға эмас.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

Самарқанд вилояти.

Награжденные Родиной

ПРИНИМАТЬ ВЕРНЫЕ РЕШЕНИЯ В ЛЮБОЙ СИТУАЦИИ

Есть профессии без права на ошибку. Люди, работающие в них, отлично это осознают.

За плечами главного специалиста специального отряда МВД Республики Узбекистан по обезвреживанию взрывных устройств по Навоийской области подполковника Азиза Абдувахидова 15 лет самоотверженной службы. За это время высоким профессионализмом, умением принимать верные решения в любой экстремальной ситуации он заслужил уважение коллег, доверие руководства.



... Летом 2008 года на складе боеприпасов, расположенном в Бухарской области, вспыхнул пожар. Герой очерка в составе специального отряда прибыл на место ЧП и включился в деятельность по деактивации неразорвавшихся снарядов, готовых в любую минуту детонировать. За 63 дня территория была очищена от взрывоопасных предметов. При выполнении поставленной задачи А. Абдувахидов проявил истинное мужество, огромное чувство ответственности.

Вот другой пример из большого послужного списка подполковника.

Поступило сообщение, что за одной из мечетей, расположенной в городе Навои, обнаружен подозрительный предмет. Люди обеспокоены, взволнованы. А. Абдувахидов вместе с другими специалистами выехал на место. Осмотр предмета позволил сделать вывод: учебная ручная граната Ф-1. В установленном порядке она была уничтожена.

Примеров, когда наш герой, выполняя возложенные задачи, демонстрировал высокий профессионализм, можно привести немало. Так было и в июне 2010 года, когда он участвовал в размещении граждан, пострадавших в результате Ошских событий, в организованных временных лагерях. Нес службу, проявляя самообладание, чуткость к людям, оказавшимся в беде.

Опыт подполковника А. Абдувахидова востребован. Он принимает непосредственное участие в проведении совместных учений правоохранительных органов, щедро делится накопленными знаниями с молодыми специалистами, всегда готов дать дельный совет, поддержать.



В связи с 30-летием Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины за образцовую службу, достойный вклад в дело воспитания и подготовки молодых специалистов подполковник Азиз Абдувахидов награжден медалью «Шухрат».

– Служить Родине – священный долг каждого из нас, – говорит наш герой. – Государственную награду считаю признанием труда всех моих коллег, с которыми плечом к плечу несу службу во имя сохранения мира, стабильности в обществе и спокойствия народа.

Махлиё ХОЛОВА,
корреспондент «Postda».
Навоийская область.

Третий сектор

ВПЕРЕДИ – НОВЫЕ ЗАДАЧИ

В школе № 88, расположенной в махалле Зарафшон Пайарыкского района, летом прошлого года начались работы по благоустройству и озеленению прилегающей территории, был возведен корпус, в котором расположились библиотечный центр, предметные кружки и спортивные секции. С начала года сотрудники передали в библиотечный фонд около 500 книг. Сегодня в обновленной школе обучаются около 500 девочек и мальчиков из близлежащих махаллей.

– Мы устранили многолетнюю проблему с питьевой водой – нашли спонсоров и добровольцев, которые помогли пробурить артезианскую скважину, – говорит руководитель сектора начальник Пайарыкского РОВД майор Ойбек Хужамов. – Разбили сад, высадили в нем более 200 саженцев декоративных и фруктовых деревьев.



Сотрудники районного ОВД проводят встречи, конкурсы и спортивные соревнования с учащейся молодежью.

Подобные мероприятия проходят и в других школах района. Всего на территории сектора площадью в 19,6 тысячи гектаров расположены 28 школ, 36 дошкольных образовательных учреждений, две больницы, 18 махаллей и свыше 11 тысяч домов.

В целях социальной поддержки населения в разрезе махалли, района ведутся специальные тетради, в списки которых вносятся нуждающиеся семьи, неработающие женщины, незанятая молодежь.

– Сегодня мы сосредоточились на двух основных целях: первая – обеспечить занятость молодежи, вторая – создать условия для того, чтобы граждане могли беспрепятственно обращаться со своими вопросами и по мере возможности решать их, – продолжает наш собеседник. – Изучив на местах имеющиеся проблемы, мы начали с трудоустройства.



Кроме прямых обязанностей по поддержанию в районе стабильного общественного порядка, сотрудники органов внутренних дел проводят целенаправленные мероприятия по улучшению социально-бытовых условий сельчан. Совместными усилиями с представителями других структур оказывается материальная помощь малообеспеченным семьям, выдаются льготные кредиты, трудоустраивается молодежь.

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».
Самаркандская область.

Фахрийлар – фахримиз

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ

Тошкент шаҳри. 1957 йил. Жўра ака хонадонида ўғил дунёга келди. Унга яхши ният билан Фатхулла дея исм қўйишди. Бу исм – ғолиблик, зафар қучиб яшаш ёки ғалаба деган маъноларни англатади. Шундай бўлди ҳам. Қаҳрамонимиз ҳаётда ҳақиқатан ҳам кўпгина ютуқларга эришди, кўзлаган марраларини забт этди, жамиятда ўз ўрнига эга бўлди.

У дастлабки фаолиятини Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бирлашмасида бошлади. Эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизматининг асосий қисми Тошкент шаҳар ИИББ тизимларида, айниқса, Кадрлар билан ишлаш хизматида кечди. Айнан мана шу даврда бош бошқарма миқёсида 500 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишида бевосита иштирок этди.



Ҳар бир юрт посбони соҳага энди қадам қўйганида устозларидан йўл-йўриқ ўрганади. Дастлаб ИИВ Қўриқлаш бирлашмасига қабул қилинганида полковник Юрий Курбатовдан соҳанинг сир-асрорларини пухта эгаллади. Кейинчалик полковник Ўткир Жўраев, Тошкент шаҳар ИИББга ўтганида эса полковник Абдурашид Шодиев унга устозлик қилди. Ўзи ҳам қарийб 35 йиллик хизмати давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳозирда нафақат пойтахтда балки республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган кўплаб посбон ва йўриқчилар ўзларини устоз деб биладилар. Ҳар бир учрашувда, албатта, ўзларининг биринчи устозларини, дастлабки фаолиятларини эслашади, ҳурмат-эҳтиромларини изҳор этишади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББнинг ҳуқуқий-маърифий ишлари ҳисобланган «Огоҳ» газетаси таҳририятига бош муҳаррир бўлган йилларида унинг салоҳиятидаги янги қирралар намоён бўлди. Пойтахт посбонларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш, уларни юртимиз ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тезкорлик билан хабардор қилиш, уларда жамият ҳаётидаги ўзгаришларга муносабатини шакллантириш борасида бор билим ва маҳоратини сафарбар этиб, ходимларнинг, айниқса, ёш посбонларини юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Истеъфодаги подполковник Фатхулла Шерматов пенсияга чиққанидан сўнг ҳам бекорчи бўлиб қолмади. Ҳозирда бош бошқарма Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматида ўзининг кўп йиллик тажрибаси билан ходимларга қўлидан келганича соҳа ривожи учун ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, ИИББ Фахрийлар кенгаши қошида ташкил этилган фахрийлар мактабига раҳбарлик қилиш асносида идора ва тизимларда фаолият юритаётган ёш ходимларга тажрибали фахрийларни бириктириб, уларнинг соҳада ҳамда ҳаётда муносиб ўрнини топишида кўмаклашмоқда.

Бундан ташқари, Фатхулла Жўраевич ўзи истиқомат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг нуронийлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси сифатида бор билим ва тажрибасини ишга соляпти. Бундан аҳоли ҳам мамнун, айниқса, оилавий можароларни ҳал этиш, ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни муросага келтиришда кайвони сифатида маҳаллага ёрдами тегмоқда.

Оилада тўрт нафар фарзанднинг насиҳатгўйи, 10 нафар набиранинг меҳрибон бобоси. Фарзандлари ичида Фарҳод ота изидан кетиб, ички ишлар органларида фаолият юритмоқда. Ҳозирда подполковник Фарҳод Шерматов Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ 2-Махсус сафарбарлик батальони командирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Эл корига яраш, ўз меҳнати билан юрт равнақига ҳисса қўшишдек савобли ишнинг бошини тутган қаҳрамонимизнинг ҳали орзу-ниятлари, режалари бисёр. Бу йўлда тиним билмай одимлайди. Одамларга яхшилик қилишда давом этаверади.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ёшлар – келажак бунёдкори

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Ҳар бир инсоннинг орзу-умидлари болалигидан қалбида куртак ёзади. Бухоро шаҳрида туғилган Жасурбек Шукурлаев ёшлигиданоқ отаси – истеъфодаги майор Жамол Шукурлаевдек осойишталик посбони бўлишни орзу қилиб улғайди.



Ватан посбони ҳар томонлама чиниққан бўлиши лозимлигини англаган Жасурбек спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Мунтазам машғулотлардан ташқари, қунт билан билим ҳам олди. Буларнинг ҳар иккиси ҳаётига чамбарчас боғланди.

2018 йилдан вилоят ИИБ Жазони ижро этиш бўлими 1-сон жазони ижро этиш колониясида хизматни бошлади. Фаолияти давомида тиришқоқлиги, изланувчанлиги, берилган топшириқларни бекаму кўст бажариши сабаб касбдошлари эътиборини қозониб, раҳбарият назарига тушди. Шу боис ҳам кўп ўтмай, вилоят ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори лавозимига ўтказилди.

2020 йилдан бошлаб эса ҳозирги эгаллаб турган вилоят ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати маънавий-маърифий ишлар бўлими ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори лавозимида хизмат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

– Ёш ходимларнинг касбий малакасини ошириш учун етарли шарт-шароитларни яратиш борасида муайян ишлар қилинмоқда, – дейди қаҳрамонимиз. – Ходимлар, айниқса, ёшлар орасидан қобилиятли ва истеъдодлиларини қизиққан йўналишлари бўйича қўллаб-қувватлаб, юзага чиқаришга ҳаракат қиламан. Танловларда юқори натижага эришаётган ходимларни рағбатлантириш ҳақида раҳбариятга таклифлар бериб бораман.


Изланувчанлик, ташаббускорликни мақсадлари сари етакловчи омил деб билган Ж.Шукурлаев ўтган йилда, «Ўзбекистон ёшлари форуми – 2021» доирасида ҳарбий қисм муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, билим ва кўникмалари, лидерлик қобилияти, амалга оширилган лойиҳалари ҳамда иш-фаолиятида эришган натижалари бўйича саралланган етакчилар орасида фахрли биринчи ўринни эгаллади.



Ватани, халқини суйган инсоннинг қалби пок ва муқаддас туйғуларга бой бўлади. Ана шундай туйғулар кишини доимо эзгу ва хайрли ишларга ундайверади. Жасурбек ҳам умрини она-Ватанининг порлоқ келажагига, халқининг тинч ва осойишталигига бахшида этган халқимизнинг мард ҳамда жасур фарзандларидан бири.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.
Бухоро вилояти.

УЛОЖЕНИЯ ТЕМУРА



«Надлежащий порядок и соблюдение законов послужили основанием и подпорой моей судьбы, фортуны. То и другое так укрепили мою власть...»

* * *


«Справедливостью и беспристрастием я приобрел благосклонность созданий Божьих. Свои благодеяния я распространял и на виновного, и на невиновного; мое великодушие обеспечило мне место в сердцах людей; правосудие управляло моими решениями...»

* * *

«Я освобождал угнетенного из рук гонителя и, раз убедившись во вреде, причиненном лицу или имуществу, я произносил приговор по закону и никогда не подвергал невинного наказанию, заслуженному виновным».

Грани мастерства

ЗА КАЖДОЙ ИСТОРИЕЙ – ЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ СУДЬБЫ



– За годы работы я расследовал дела, связанные с кражами, ДТП, незаконным оборотом наркотиков, торговлей людьми, – говорит старший следователь Следственного управления при УВД Андижанской области капитан Миржалол Солиев. – В нашей профессии самое сложное – остаться беспристрастным. Важно сохранять внутренний баланс. Каждое дело пропускаешь через себя, рассматривая его то со стороны пострадавшего, то с позиции подозреваемого. Важно помнить, что главное – справедливость. Мне нравится, когда на службу в следственное звено идет молодежь, значит, есть у нашей профессии будущее. Стараемся поддерживать новичков, и в то же время учим соблюдать субординацию, наставляем их, что следователь должен быть независимым.

Профессия эта окутана тайной и героизмом. Да, есть место и героизму, поскольку работа требует большой самоотдачи, и тайне – этого требует следствие, а также большой ответственности, ведь за каждой историей стоят человеческие судьбы.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент
«На посту».
Фото автора.
Андижанская область.

30 лет спустя...

«НЕ МОГУ БОЛЬШЕ МОЛЧАТЬ. КАЮСЬ!»

(Основано на реальных событиях)

Эта история произошла в 1985 году в Джалакудукском районе. Поздно ночью в дежурную часть РОВД позвонила женщина. Она сообщила, что во дворе дома обнаружила труп мужа. На место происшествия выехала оперативно-следственная группа отдела уголовного розыска УВД Андижанской области. Группу возглавил старший оперуполномоченный ОУР капитан Виктор Заварин.

Служебная собака не взяла след преступника. Осмотр места происшествия продолжался до утра. Неподалеку от погибшего была обнаружена пустая бутылка от вина «Портвейн № 26» со следами крови. Отпечатков пальцев на ней не было. Было очевидно, что это орудие преступления, с которого преступник стер следы пальцев.

Капитан В. Заварин сразу понял, что это дело – «глухарь». Ни следов, ни свидетелей... В ходе изучения обстоятельств убийства стало известно, что семья Суворовых родственников в Джалакудукском районе не имела. Владимир Анатольевич и Лидия Петровна были пенсионерами. Они разводили цветы, которыми торговали в городе Оше. У супругов был автомобиль «Жигули» шестой модели, на котором они возили цветы на продажу.


По рассказам соседей, у них было двое детей. Старший сын, Костя, после окончания школы поехал в Ригу поступать в вуз, окончив который, устроился на работу, и в родном доме его больше не видели. Дочь, Людмила, окончила Самаркандский институт торговли, работала в облпотребсоюзе в Андижане. Знакомых у Суворовых в Джалакудуке было немного. В основном они общались с семьей Егановых, к которым иногда ходили в гости. Людмила встречалась с сыном Егановых, Валерием, дело шло к свадьбе, но что-то не сложилось, и молодые люди разошлись

Когда Владимир Анатольевич и Лидия Петровна возвращались из Оша, они по вечерам считали прибыль от продажи цветов, а потом, по традиции, распивали бутылку портвейна. Людмила, вернувшись с работы, читала книги. Так жила семья.

Когда Людмиле исполнилось 25 лет, подруга познакомила ее с парнем из Кургантепинского района, студентом-заочником Андижанского государственного педагогического института языков. Молодые люди встречались более двух лет. Когда Игорь сделал предложение, Людмила ему отказала, сославшись на то, что не готова к семейной жизни. Она возобновила встречи с Валерием Егановым, от которого через год родила ребенка. Но Валерий был не в восторге от этого факта и уехал в Саратов к своим родственникам и там вскоре обзавелся семьей.

Оперативники стали отрабатывать всех знакомых. Врагов у Владимира Анатольевича не было. У него был покладистый характер, он со всеми находил общий язык. Кто же убил мужчину? Оперативно-розыскные мероприятия продолжались несколько месяцев, но результатов не было. Дело оказалось «глухарем», как и предполагал капитан Заварин.

С тех пор прошло более тридцати лет. Виктор Николаевич Заварин, дослужившись до полковника, находился на заслуженном отдыхе.



Однажды в социальной сети «Одноклассники» ему написала неизвестная женщина, которая представилась как Людмила Владимировна Суворова. Она написала, что давно живет в Украине, а потом напомнила Заварину об убийстве в Джалакудукском районе. Виктор Николаевич вспомнил это нераскрытое дело.

«Я убила отца. После стакана портвейна папа стал «выступать», ругал меня за то, что не вышла замуж за Игоря, а родила от проходимца, который уехал в Россию и там женился на другой. Отец стал обзывать меня нехорошими словами. Я схватила бутылку, которая стояла рядом с крыльцом, и ударила отца по голове. Он упал. Я подумала, что он придет в себя. Вернулась домой, а через полчаса, почуяв неладное, рассказала матери о том, что произошло. Мы вышли во двор, отец был мертв. Мы с мамой отнесли его к теплице, папа был щуплого телосложения. Замыли следы крови на крыльце, а потом мама позвонила в РОВД.

После смерти отца мы переехали в Украину. Мама умерла несколько лет назад. Все эти годы я носила в себе тяжелый груз. Больше не могу. Нашла вас в «Одноклассниках», каюсь в содеянном», – написала Людмила Владимировна Суворова.

В юриспруденции есть понятие «давность срока», то есть освобождение от уголовной ответственности с истечением срока давности. Да, сегодня Людмиле Владимировне не придется отвечать за убийство, которое произошло более 30 лет назад. Но есть свой суд, который не даст ей душевного покоя до конца жизни.

Владислав ГУРТОВЕНКО,
полковник в отставке.

Юксак мукофот соҳиблари

МАШАҚҚАТЛАРГА ТЎЛА ШАРАФЛИ ЙЎЛ

Ҳар бир ота ўзи эриша олмаган орзусини фарзандлари амалга оширишини хоҳлайди. Кўҳна ва навқирон Самарқанд ўғлони Орзудин армияда йигитлик бурчини ўтаб келганидан кейин ҳарбий билим юртига ҳужжат топширади. Ўқишга кира олмагач, тақдир тақозоси билан ҳайдовчилик касбини танлайди.

Оила қурганидан кейин бирин-кетин фарзандлар дунёга келади. Буни қарангки, отанинг орзусини бирйўла уч ўғил – Ҳасан, Ҳусан ва Отабек рўёбга чиқарди. Ҳусан Ботиров айни кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси. Отабек ҳам ҳарбийлик касбини танлади. У ҳозир пенсияда.

Полковник Ҳасан Ботировнинг бевосита раҳбарлиги остида Қоровул қўшинлари бўйсунувида янги ташкил этилган ҳарбий қисмлар замонавий ҳарбий техникалар ва турли автотранспорт воситалари билан таъминланмоқда. Шунингдек, қўшинлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрида 105 хонадонли 2 та хизмат уйи, Андижон шаҳрида эса 48 хонадонли хизмат уйи қуриб битказилиб, ҳарбий хизматчилар оилаларига фойдаланишга топширилди. Шунингдек, узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида 277 нафар ҳарбий хизматчига дастлабки бадал пуллари ажратилди.

Истиқболда эса Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм ва бўлинмалар, шунингдек,

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда хизмат қилаётган Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун 7531-ҳарбий қисм ба-



лансидаги Янгиҳаёт туманида жойлашган ҳудудда 1-босқичда 153 та, 2-босқичда 647 та хонадон имтиёзли нархларда узоқ муддатли ипотека кредити асосида ҳарбий хизматчиларга тарқатилиши режалаштирилган.

Қоровул қўшинлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Қўмондонлик томонидан «Қоровул қўшинлари қўмондонлиги Низоми», «Ҳарбий тузилмалар аълочиси кўкрак нишони Низоми», «Қўшилма ва ҳарбий қисм қўмондонлигини баҳолаш мезони» ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Қоровул қўшинлари жанговар-хизмат Низоми», «Қўриқлаб бориш, қоровул саф бўлинмалари, назоратчилар ва махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводларининг жанговар ва махсус тайёргарлик дастурлари» ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланди.

Қоровул қўшинларида ҳам маънавий-маърифий ишлар юртимизда амалга оширилаётган ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Хусусан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимиз жасоратининг тарихий аҳамияти кенг кўламда тарғиб қилиняпти. Ана шу мақсадларда, шунингдек, кекса авлодга ва фахрийларга ҳурмат-эътибор билан қараш ҳамда уларнинг бой ҳаётий тажрибалари орқали ёш авлодни тарбиялаш борасида ёшлар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Қўшинлар ҳарбий хизматчилари халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришмоқда. Масалан, спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича 2021 йилнинг октябрь ойида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари совринли ўринларни эгаллаб, ушбу спорт тури бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. 2021 йилнинг 8-12 декабрь кунлари Туркия давлатининг Анталия шаҳрида катталар ўртасида спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда бир нечта ҳарбий хизматчи фахрли ўринларни эгаллади.

Ҳасан Ботиров турмуш ўртоғи Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали ҳамшираси Фотимахон билан бирга фарзандлари – эгизаклар Шаҳноза ва Шоҳжаҳон ҳамда Темурни эзгу ниятларда вояга етказишмоқда. Қувонарлиси ўғли Шоҳжаҳон ота изидан бормоқда. У ҳозирда Миллий гвардия Жамоат хавфсизлиги университетининг курсанти.

Ҳарбий соҳанинг ўзига яраша қийинчилиги ва мураккаб томонлари бор. Бу машаққатларни мардонавор енгиб ўтиб, бугунги кунда юксак мақомга эришган полковник Ҳасан Ботировнинг мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланиб келяпти. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланди.

– Менга берилган бундай юксак мукофот учун Президентимизга ва вазирлик раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдираман, – дейди полковник Ҳасан Ботиров. – Келгусида Қўшинлар ҳарбий хизматчиларнинг юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида бундан-да самаралироқ натижаларга эришиши йўлида барча имкониятларни ишга соламиз.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

- Полковник Ҳасан Ботиров 1977 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. 1998 йилда ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти (ҳозирги Жамоат хавфсизлиги университети)ни тамомлаган. 2010 йилда Қуролли Кучлар Академиясини тугатган.
- Фаолиятини 1998 йилда ИИВ Ички қўшинлари бошқармасида бошлаган. 2005 йилга қадар ушбу тизимда турли лавозимларда хизмат қилган. 2005 йилда Мудофаа вазирлигига ўтказилган Ҳ. Ботиров то 2016 йилга қадар вазирликнинг турли ҳарбий қисмларида фаолият юритган. 2016 йилдан ИИВ Ички вазифалар қўшинлари Корпуси қўмондонининг жанговар ва махсус тайёргарлик бўйича ўринбосари. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари. 2020 йилдан эса ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони лавозимида хизмат қилиб келмоқда.
- 2012 йилда «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

Жазони ижро этиш тизимида

«КЕЛАЖАКДАГИ МЕН»

Ёшлар учун келажакда қайси касб ёки ҳунар эгаси бўлишини аниқ белгилаб олиши жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД 2-минтақавий ҳудуди 6-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаётган 30 ёшгача бўлган маҳкумлар билан «Келажакдаги мен» мавзусида учрашув ташкил этилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи, ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Ахборот хизмати раҳбари, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги Наманган вилояти филиали қошида ташкил этилган «Келажак лидерлари» клуби аъзолари иштирок этишди.

Учрашувда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Б. Мирзатов мамлакатимизда ҳозирги кунда ёшларимизга яратиб берилаётган имкониятлар, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил тушунтиришлар берди. У ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган бир қатор самарали чоралар кўрилаётгани хусусида тўхталди. Шунингдек, ёшлар ўртасидаги муаммоларнинг шу жумладан, жиноятчиликнинг илдизи аксар ҳолларда назоратсизлик, ишсизлик, уларнинг бандлиги таъминланмаганлигига бориб тақалишини таъкидлаб, бунга аниқ мисоллар келтириб ўтди.

Самимий мулоқот чоғида турли сабабларга кўра жиноят содир этиб, ҳозирда 6-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаётган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида турли таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтишди.

Учрашув якунида муассасадаги ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида мазкур муассаса кутубхонасига Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан 300 турдаги ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан ташкил топган китоблар совға қилинди.



Зойир ЙЎЛДОШОВ,
лейтенант.

Нет наркотикам!

ЗАДЕРЖАНЫ С ПОЛИЧНЫМ

С начала текущего года сотрудники УВД Хорезмской области провели ряд оперативных мероприятий, направленных на выявление и изъятие наркотических средств и психотропных веществ.





– Человек, пристрастившийся к наркотикам, совершенно забывает об узах родства, человечности, – говорит сотрудник УВД области майор Эльдор Сапаев. – Он становится жестоким, и за пакетик зелья готов пойти на преступление, вплоть до убийства близких. В борьбе с этим злом современности налажено тесное сотрудничество с общественностью, и оно дает положительные результаты.

...4 января сего года в ходе операции, проведенной сотрудниками отдела уголовного розыска, при попытке реализации в своем магазине за 100 000 сумов спайса был задержан житель Ургенча Р. К. А сотрудники ОУР УКД ОВД города Ургенча задержали жителя Ханкинского района Т. А. и его знакомого, М. О., проживающего в Ургенчском районе, за незаконную продажу героина, упакованного в два бумажных пакетика за 1 050 000 сумов.

В ходе совместных оперативных мероприятий, проведенных сотрудниками ОУР УВД области и ОУР УКД ОВД города Ургенча, на месте совершения преступления был задержан Б. К. из Ургенча, который в чайхане, расположенной в Ургенчском районе, пытался продать знакомому героин за 300 000 сумов. Аналогичный наркотик в присутствии понятых был обнаружен в кармане У. К., пассажира автомобиля, принадлежащего Б. К., остановленного для проведения досмотра.

Еще один автомобиль – жителя Ургенчского района М. Х. стал временным хранилищем зелья. В машине были обнаружены таблетки «Трамадол» и героин. Найденное было оформлено в установленном законом порядке.

В ходе совместного оперативного мероприятия сотрудниками ОУР и ОБДД УВД области задержан житель Хивы Х. Б. На трассе, проходящей через территорию Кошкупырского района, был остановлен и досмотрен его «Дамас», в автомобиле обнаружена марихуана.

По всем указанным эпизодам возбуждены уголовные дела по соответствующим статьям Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Зокир ИСМОИЛОВ,
подполковник.
Худойберган ЖАББОРОВ,
корреспондент «Postda».
Хорезмская область.



УМНЫЕ МЫСЛИ

Лифт к успеху вышел из строя. Вам придется пользоваться лестницей, поднимаясь по одному шагу вверх.
Джо ЖИРАРД.

Те, кто оказались на вершине, не с неба туда упали.
Маркус УОШЛИНГ.

* * *

Если жизнь бросила вас в нокдаун, помните: у вас есть 9 секунд, чтобы встать, отдышаться и двигаться дальше.
Мухаммед АЛИ.



Учинчи секторда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқни рози қилишдир. Секторлар фаолияти айнан шу мақсадга қаратилган бўлиб, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил асосида иш олиб борилмоқда. Бу борада Қўштепа тумани 3-секторда амалга оширилаётган ишлар ҳам эътироф этишга арзийди.

ҲАҚИҚИЙ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Жорий йилнинг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб номланиши сектор раҳбари ва ишчи гуруҳи зиммасига янада масъулият юклаб, халқ билан янада ҳамнафас бўлишга ундаяпти. Шу мақсадда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Содиржон Абдуллаев янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ аҳоли билан учрашиб, сайёр қабуллар ўтказишни бошлади. Хусусан, «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабул давомида сектор раҳбари фуқаролар билан самимий суҳбатлашди, мурожаат ва таклифларга қулоқ тутди. Жумладан, фуқаро Нурилло Восиев чорвачилик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит олиш масаласида ёрдам сўради. Тегишли банк мутахассислари томонидан шу ернинг ўзида фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилиб, кредит олиш тартиб-қоидаси тушунтирилди. Унга келгусида имтиёзли кредит олишда амалий кўмак кўрсатиладиган бўлди.

– Сектор таркибида 10 та маҳалла фуқаролар йиғини бор, – дейди подполковник Содиржон Абдуллаев. – Ушбу маҳаллалардаги 7417 та хонадонда 39185 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, ҳудудимизда 2 та касб-ҳунар мактаби, 12 та умумтаълим мактаби, 8 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатади. Йил бошиданоқ маҳаллаларда юриб, сайёр қабуллар ўтказиб,

- **муаммоларни жойида**
- **аниқлашга, бартараф**
- **этишга ҳаракат қиляпмиз.**

Дарҳақиқат, сектор ҳудудида ўтган йили жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. 41 марта сайёр қабул ташкил этилди. Қабулларда аҳолидан 363 та мурожаат



келиб тушган бўлиб, уларда кўтарилган 412 та масаланинг 325 таси ижобий ечим топди. 84 та мурожаат юзасидан фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва асосли тушунтиришлар берилди. Ҳал бўлиши узоқ вақт талаб этадиган мурожаатлар ижроси эса назоратга олинди.

Яшаш шароити оғир, уй-жойи яроқсиз ҳолга келиб қолган 3 та кам таъминланган оила учун сектор бошлиғи ташаббуси билан янги уйлар қуриб берилгани ҳам хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир. Жумладан, «Шаҳартепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи «Аёллар дафтари»га киритилган фуқаро Баҳридилхон Зокировага 2 хонали уй, ошхона, ювиниш хонаси ва дарвозахона қуриб берилди.

Сектор бошлиғи ва ишчи гуруҳининг ўрганишлари, сайёр қабуллардаги мурожаатларга асосан кредит олиш истагини билдирган 239 нафар фуқарога 5 миллиард 950 миллион 300 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилишида амалий ёрдам қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. 1601 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олиниб, улардан 1073 нафари ишга жойлаштирилди. 38 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди. 123 нафар фуқаро эса касб-ҳунарга ўқитилувчи махсус курсларга жалб этилди.

Аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, коммунал соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш ҳам доимий назоратга олинган.

Бир сўз билан айтганда, туман 3-секторида халқ билан ҳамнафас иш олиб боришга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Зеро, сектор бошлиғининг фаолиятига ҳақиқий баҳони халқнинг ўзи беради.



Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.



«ҚУЛОҒИ ТОМ БИТГАН»: ТОМ НИМА?

Тилимизда уч хил том сўзи бор. Иккитасининг маъноси кўпчилигимизга яхши таниш: уйнинг томи, китобнинг томи (жилди). Сарлавҳадаги иборада бу икки том сўзи қатнашмаган. У бошқа бир омоним. У араб тилидан кирган том сўзи бўлиб, аслиятда тўла, тўлиқ, бутун, мукаммал маъносини билдиради. Ўзбекчада икки хил маънода қўлланади:

1. Тўла, тўлиқ: том иштаҳа, том ихлос, том итоат.

2. Бутунлай, тамомила, батамом: қулоғим том битди, том ҳайрон қолди, том маҳлиё бўлди.

Том маънода, том маъноси билан каби ибораларда ҳам ана шу том сўзи ишлатилган. Бунда тўлиқ, чин маъно назарда тутилади.

Қулоғи том битмоқ бирикмаси қулоқ тамоман битганини, эшитиш қобилияти йўқолганини билдиради.

КОРЧАЛОН КИМ?

Бадиий асарларда, баъзан оғзаки нутқда корчалон сўзига дуч келамиз? Хўш, у нимани англатади?

Изоҳли луғатга кўра, бу сўз форсчадан кирган. Аслиятда даллол, ишбилармон деган маъноларни англатади. Атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаевга кўра, бу сифат иш маъносини англатадиган тожикча кор отига ҳаракатга келтирмоқ маъносини англатадиган форсча чаланидан феълининг чалон ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзини ишбилармон қилиб кўрсатувчи маъносини англатади.

Корчалон ўзбек тилида икки хил маънода қўлланади:

1. Ўзини ҳаммадан билимдон деб ҳисобловчи, билармон; маҳмадона.

Санамай саккиз деб юрган экансиз, корчалон кекса!

Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар».

2. Ишбилармон, эпчил.

Азимжон ўзи бадавлат корчалон, йигит ёшидан буён қоракўл бўйича ноёб мутахассис.

А. Мухтор, «Чинор».

Сўзнинг корчаллон шакли ҳам бор. Лекин у жуда кам ишлатилади:

Океан нарёғидаги бир корчаллон юмшоқ креслода пинакка кетиб ўтирарди.

«Муштум».

Ориф ТОЛИБ.

Ma’naviyat va ma’rifat darsi

SOG‘LOM TURMUSH – FAROVON HAYOT

(Tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarning salbiy oqibatlari haqida)

Bugun shiddatkor taraqqiyot zamonidagi evrilishlarda o‘ziga xos imkoniyatlar paydo bo‘lyapti. Shu bilan birga deyarli barcha sohalarga singib ulgurgan axborot texnologiyalarining kishilik jamiyati uchun zararli jihatlari turli muammolarni keltirib chiqarayotganini ham tan olishimiz kerak. Ayniqsa, yoshlar o‘rtasida tavakkalchilikka asoslangan turli o‘yinlarga qiziqish oshib boryapti. Bu ko‘plab ko‘ngilsiz holatlarga, hatto fojialarga sabab bo‘layotgani ham hech kimga sir emas. Eng xavotirli jihati shundaki, bu o‘yinlar yoshlar ongini ilm olish, kasb-hunar sirlarini puxta egallash, mehnat qilishdek to‘g‘ri maqsaddan chalg‘itib, balki bir zumda boyib ketaman, osmondan tushgan aqchalar hisobiga «shohona» yashayman degan havoyi orzular sari boshlamoqda. Bunga esa aksariyat tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarda pul tikib, yutuq olish imkoniyati va’da qilingani sabab bo‘lmoqda. Bukmeker qimorbozlar o‘rtasida vositachi, o‘rtakash bo‘lib ko‘ringani tanganing bir tomoni. Aslida tanganing ikkinchi tomonida u o‘yinchining oxirgi tiyinlarigacha «qoqib olib», alaloqibat moliyaviy qiyinchiliklarga duchor qilib, huquqbuzarlik va jinoyatlar sari yetaklovchidir.

Ming afsuski, tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarga berilishning oqibatida iqtisodiy muammolarga nafaqat o‘yinchining o‘zi duch kelishi, balki uning oilasi, yaqinlari va turfa vajlariga ishonib qarz berganlarning chuv tushib qolishi bilan bog‘liq holatlar talaygina.

Bu borada so‘z yuritganda, odamlarning kutilmagan «yutuq»qa o‘chligi, aynan shunday o‘yinlarning targ‘ibot-tashviqoti, unga ishtiyoqmandlar sonining tobora ortishi va o‘yinlarga qaramlikni keltirib chiqarishini nazardan chetda qoldirmaslik kerak. Bu «reklama va yutuqlar» inson hayotini izidan chiqarib, uni ham ruhiy, ham iqtisodiy muammolar girdobiga duchor qilishi tayin.

Umr haqida gap ketganida vaqtning qadri misqollarda ham kattarib ko‘rinadi. Dastavval qo‘shimcha daromad manbai bo‘lib ko‘ringan o‘yinlarga «sho‘ng‘ib ketish», keyinchalik yutqazilgan pulning o‘rnini qoplash maqsadida boy berilgan soatlar, kunlar, haftalar, oylar va hatto yillarni ortga qaytarishning esa iloji yo‘q.



Tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarga sarflangan har daqiqaning qiymatsizlanishi bunda yaqqol seziladi.

Qolaversa, bu holatlar oqibati inson ruhiyatiga jiddiy ta’sir o‘tkazib, birinchi navbatda umidsizlik va nochorlik hissiyotlarini keltirib chiqaradi. Shuningdek, mutaxassislar kompyuter o‘yinlari odamlarning har kunlik rejimiga aylanishi depressiya, migren, ichak kasalliklari va stress bilan bog‘liq boshqa muammolarni yuzaga keltirishi mumkinligini ta’kidlashadi.

O‘zaro suhbatlarda pul haqida gap ketganida, tilimizda «Pul o‘lsin-a, pul. Jigardan bunyod bo‘lgan-da» degan qochirim iboralar bot-bot aylanadi. Bunda odamlarning fe’l-atvoridagi pulga o‘chlik bilan bir qatorda pulning inson hayotidagi o‘rni va qadri ham ifoda etiladi. Yirik miqdordagi mablag‘ni yutqazish, yo‘qotish insonning huzur-halovatini buzadi. Misol uchun, tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarga berilib ketganlarning ko‘pchiligining xayolini pul tikib, faqat yutish fikri egallab oladi. Aynan shundaylarda pul oldi-berdisi yolg‘onchilik, firibgarlik kabi salbiy jihatlar bilan qorishib, tobora odatiy holga aylanib borishi ham bor gap.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, so‘nggi bir necha yil ichida global miqyosda totalizator o‘ynash darajasi oshgan. Yutgan yoki yutqizganlarning holi o‘ziga ma’lum. Shu o‘rinda bir haqli savol tug‘iladi: xo‘sh, totalizator o‘ynash va unda yutilgan pullar halolmi yoki?..

Tavakkal o‘yinlarga pul tikkanlarga yutuq mablag‘ini o‘sha faoliyat turi bilan shug‘ullanuvchi kompaniya beradimi? Yo‘q, albatta. Bu mablag‘lar kimlarningdir mag‘lubiyati hisobidan qoplanishini yaxshi bilamiz. G‘olib mag‘lubdan biror narsa oladigan har bir o‘yin esa qimordir.

Muqaddas dinimizda insonlar halol mehnat qilib pul topishga buyurilgan. Birovni aldab, xiyonat qilib, muttahamlik yo‘li bilan uning mulkiga ega chiqish haromdir. Qimor esa aynan shunday yo‘l bilan pul topishdir.

Ma’lumot uchun ta’kidlash joizki, O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksining 191-moddasida qimor va tavakkalchilikka asoslangan boshqa o‘yinlarda qonunga xilof ravishda ishtirok etish uchun ma’muriy javobgarlik ko‘zda tutilgan. Jinoyat kodeksining 278-moddasida esa qimor va tavakkalchilikka asoslangan boshqa o‘yinlarni qonunga xilof ravishda tashkil etish yoki o‘tkazish, shu jumladan, ana shunday o‘yinlar uchun qimorxonalar tashkil etish yoki ularni saqlash javobgarlikka sabab bo‘lishi belgilangan.

Ichki ishlar organlari xodimlarining tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarga berilib ketishining oldini olish maqsadida buning noxush oqibatlari haqida ular o‘rtasida atroflicha tushuntirish ishlari olib borilmoqda. Zotan, gapning sirasini aytganda, har qanday ko‘rinishdagi qimor o‘yinlari shaxsiy tarkibning axloqiy-ruhiy holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi, xizmat samaradorligiga putur yetkazishi shubhasiz.

Dono xalqimiz tilidagi «Birovning haqi buyurmaydi», «Halollikda baraka bor», «Tekin pishloq qopqonda bo‘ladi», «Mehnatdan kelsa boylik, turmush bo‘lar chiroylik» singari naqllar hayot chig‘iriqlarida elanib-elanib, barchani birdek to‘g‘rilikka, halollikka, ezgu amallarga chorlaydi. Tavakkalchilikka asoslangan o‘yinlarni o‘ynab boyib ketganlarni hech kim bilmaydi, afsuski, xonavayron bo‘lganlar haqida ko‘p eshitamiz. Aksincha, bunday o‘yinlarda ko‘p miqdordagi pulini yutqazib qo‘yib, oxir-oqibat o‘z joniga qasd qilayotganlar yoki jinoyat ko‘chasiga kirib qolayotganlar bor. Bundaylarning taqdiri turmush farovonligining tilsimi halol mehnatda ekanligidan saboq beradi.

Gulnoza TURG‘UNBOYEVA,
«Postda» muxbiri.

ИИВ академик лицейларида

МАҲОРАТ ВА МЕҲНАТ МЕВАСИ



ИИВ Навоий академик лицейида келажакда осойишталик посбони бўлишни ният қилган ўқувчи ёшлар чуқур билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари, муайян амалий кўникмалар орттиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уч қаватли ўқув биноси замон талабларига мос равишда қайта таъмирланиб, жиҳозланган. Билим масканида етарлича ўқув дарсликлари ва бадиий адабиётлар фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, спорт зали, ётоқхона мавжуд. Яқинда 250 ўринли ошхона қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу каби имкониятлардан унумли фойдаланаётган ўқувчи-ёшлар эса илм-фан, спорт соҳаларида юксак марраларни забт этишмоқда. Сарҳисоб қиладиган бўлсак, ўтган ўқув йили якуни бўйича академик лицейимиз битирувчиларидан

- **34 нафари** ИИВ Академиясига,
- **3 нафари** Россия Федерацияси ИИВ олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган. Бундан ташқари, уларнинг
- **10 нафари** хорижий давлатлар олий таълим муассасалари,
- **59 нафари** фуқаролик олий таълим муассасалари талабалари сафидан ўрин олишди.
- **Беш нафар** ўқувчимиз олий ҳарбий таълим муассасаларига киришди.

Академик лицей ўқувчиларидан Зулайҳо Сувонова 2021 йилнинг 8-11 апрель кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида спортнинг кикбоксинг тури бўйича бўлиб ўтган Европа очиқ чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллади. Мадина Хайруллаева эса 2021 йил 24 май куни Тошкент шаҳрида спортнинг ўзбек жанг санъати тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 69 кг вазн тоифасида иштирок этиб, фахрли 1-ўрин соҳибаси бўлди. Чемпионлар ва совриндорлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу айни пайтда педагог-устозларнинг маҳорати, заҳматли меҳнатининг меваси ҳам, албатта.

2021 – 2022 ўқув йилида ИИВ Навоий академик лицейи ўқитувчи-педагоглари ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашиб, илғор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар. Кейинги вақтда таълим соҳаси вакилларига зарур шарт-шароитлар яратилиши билан бир қаторда, ўз устида ишлашлари, маҳоратларини ошириб боришлари бўйича талаблар ҳам қўйилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, яқинда таълим даргоҳимизда «Ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, илғор педагогик, инновацион технологиялар» мавзусида 4 кунлик амалий семинар-тренинг машғулотлари бўлиб ўтди.

Баҳс ва мунозара асосида ўтказилган мазкур машғулотларга Навоий давлат педагогика институти ва Навоий давлат кончилик институтининг тажрибали педагоглари, услубчилари таклиф этилди. Улар таълим беришнинг энг замонавий усулларини қўллаш бўйича ўз тажриба ва маҳоратларини академик лицей ўқитувчилари билан ўртоқлашдилар.

Семинар-тренинг доирасида ўз навбатида академик лицей ўқитувчилари томонидан яратилган қатор услубий қўлланмаларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Бу каби тадбирлар, шубҳасиз, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўқувчиларга билим беришни юқори даражага олиб чиқишга замин яратади. Академик лицейи ҳамда мазкур институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини келгусида яна давом эттиришга келишиб олинди.

Отабек ШАМСИЕВ,
ИИВ Навоий академик лицейи
махсус фанлар ўқитувчиси,
истеъфодаги подполковник.

Шеърий лаҳза

Қуллуқ қил демасман.
Юрт тупроғин ўп,
Унга қуллар эмас, фидолар керак.
Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.

Қаддингни баланд тут,
Бўлма сертаъзим,
Чўққи бўлолмасанг, маҳкам қоя бўл.
Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Муносабат



ХИЗМАТИНГГА ШАЙМИЗ, ВАТАН!

Ҳар кимнинг ҳаётида унутилмас кунлар бўлади. Ватан ҳимоячилари куни арафасида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил» эсдалик нишони билан тақдирланганимда қанчалик қувонганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Камтарона хизматимга юксак баҳо берилганидан бошим кўкка етди.

Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригида «Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва довюрак фарзандлари – Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади» деган сўзлари ҳар бир юрт ҳимоячисини ҳаяжонга солгани шубҳасиз.

Мана, ўн йилдирки, ИИВ Қоровул қўшинлари сафида хизмат қилиб келяпман. Умр йўлдошим Вилоятхон эса ҳамшира, Тошкент шаҳар қон қуйиш марказида ишлайди. Мен Ватан посбони бўлсам, у саломатлик посбони. Хуллас, посбонлар оиласимиз. Икки фарзандни яхши ниятлар билан вояга етказяпмиз. Улар ҳам келажакда эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишиши учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Тилагим мамлакатимизда ҳамиша тинчлик-осойишталик ҳукм сурсин. Биз ҳарбийлар эса тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлида Ватан хизматига ҳамиша шаймиз.

Заҳриддин ҒАНИЕВ,
ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонлиги
молия бўлими катта техник-ҳисобчиси,
II даражали сержант.

Урок духовности и просвещения


ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ – ЗАЛОГ БЛАГОПОЛУЧИЯ

(о негативных последствиях азартных игр)

«Житель Узбекистана, проиграв крупную сумму денег, влез в долги, что в итоге закончилось трагично… В ходе проведенного расследования выяснилось, что он делал ставки через онлайн-букмекерскую контору».



В прошлом году в СМИ было опубликовано несколько подобных новостей. Реакция общества оказалась неоднозначной. Многие не понимали, негодовали, осуждали и обсуждали. Находились и те, кто пытался обвинить жертву, навешать ярлыки и обязательно добавить: «Сам виноват». В таких случаях всегда тяжело близким. Они недоумевают: «Неужели азартные игры могли довести до трагедии?», не понимают, почему игроманы заставляют проходить их через боль и страдания.



Начинается все просто. Человеку хочется поиграть, он уверен, что держит ситуацию под контролем и совершенно точно знает, где предел. Но ему это лишь кажется. Играя, он не замечает, как втянулся и его засасывает омут. Является ли это признаком слабости, неспособностью справиться с собой? Все не так однозначно.

Самый очевидный ответ: человек ищет легких денег! Многим кажется, что вот-вот, и они сорвут куш, выиграют желанный миллион. Мечты о большой победе подогревают желание играть, заманивают в ловушку, которая потом захлопывается, и они оказываются в безвыходном положении.

Многие считают, что азартные игры – это способ развлечь себя, уйти от проблем, расслабиться, однако это не так. Можно сказать, что азартные игры – новый вид немедикаментозных наркотиков, потому что люди становятся зависимыми от тех эмоций, которые они испытывают, играя.

Последние исследования доказали, что биохимический эффект, который оказывают на мозг человека данного рода игры, идентичен последствиям приема кокаина. Зависимость в обоих случаях одинаковая. Как и наркоманы, игроманы без очередной дозы азарта испытывают физический дискомфорт, который можно сравнить с ломкой. У них болит тело, пропадает настроение и аппетит, нарушается сон, а все мысли подчинены игре.

Подсев на азартные игры, люди начинают проводить за ними все больше времени, отгораживаются от окружающего мира. С самого начала изменения в поведении малозаметны, но чем глубже человек погружается в свое «хобби», тем более явными для окружающих становятся изменения в его образе жизни и действий, к сожалению, не в лучшую сторону.

Игрок все меньше времени проводит со своей семьей, друзьями, родными, перестает интересоваться их судьбой. Ему все равно, потеряет он их или нет, главное, чтобы никто не мешал ему заниматься «любимым делом». Игроман сначала отдаляется от друзей, затем от близких и родных людей. Его неадекватное поведение, равнодушие ко всему, что происходит вокруг, возводят невидимую стену между ними. Мир для такого человека прекращает свое существование, все проблемы и обязанности отходят на второй план, смыслом жизни становится только игра.



«Лудомания» в переводе с латинского означает «игромания», «игровая зависимость», «гэмблинг-зависимость» (англ. gambling – игра на деньги) – патологическая склонность к азартным играм. Заключается в частых повторных эпизодах участия в азартных играх, которые доминируют в жизни человека и ведут к снижению социальных, профессиональных, материальных и семейных ценностей. Такой человек не уделяет должного внимания своим обязанностям в этих сферах. Всемирная организация здравоохранения дает этому расстройству название – патологическое влечение к азартным играм.

В последнее время проблема азартных игр приобрела еще более негативный характер в связи с повсеместным распространением в интернете виртуальных денежных игровых автоматов, открытием множества онлайн-казино, букмекерских контор. Все они красиво оформлены, что способствует усилению эффекта легкой возможности выигрыша за короткое время и постоянному желанию отыграться и выиграть больше.

Азартные игры на сегодняшний день являются худшим из пристрастий. Любая форма игры, где присутствует призрачная возможность огромного выигрыша – будь то рулетка, тотализатор или игровые автоматы, может стать отправной точкой для формирования определенной зависимости.

К сожалению, на просторах интернета широко распространена реклама азартных игр. Назойливо всплывающие на мониторе «окна», призывающие сыграть, закладывают в подсознание мысль о том, что именно это поможет снять стресс, отвлечься, забыть обиды, проблемы, а главное – исполнить свою давнюю мечту – сказочно разбогатеть. Но, попав в расставленные сети, человек получает одну лишь иллюзию.

Сегодня специалисты оказывают практическую помощь игроманам, уставшим от пагубной страсти, но не способным себя контролировать. Только обращаются за такой помощью не многие. Вовлеченные в процесс, люди не сразу осознают, что попали в капкан, и надеются справиться без посторонней помощи.

Но даже специалисты не могут дать однозначного ответа на вопрос об излечении от этого вида зависимости. Создание наиболее эффективных методов – одна из задач, которая в настоящий момент стоит перед научным психотерапевтическим сообществом. Сейчас применяются комплексные виды терапии. Гармонизация отношений и распределение ответственности за зависимость на все окружение игрока, поддержка – одни из основных факторов выздоровления. К сожалению, «волшебной таблетки» от игромании не существует. Успех зависит в большей мере от того, насколько игрок и его близкие готовы противостоять зависимости.

Решение данной проблемы требует объединения сил и возможностей многих специалистов: законодателей, медиков, психологов, правоохранителей. Для принятия эффективных мер по защите населения нашей страны от негативных последствий, связанных с игровой зависимостью, ведется углубленная работа по исследованию механизма их действия, по профилактике и борьбе с этой зависимостью, особенно среди молодежи. Но решающей является помощь семьи и близких людей, которые могут вовремя распознать появление болезни и помочь справиться с ней.

Главное – помнить: негармоничные отношения в семье, недостаточная или, наоборот, чрезмерная опека и требовательность, могут послужить толчком к возникновению любых зависимостей. Здоровая семейная атмосфера, внимание друг к другу, проявление заботы – профилактика многих проблем.

Подготовила
Азиза БОХОДИРОВА,
старший лейтенант.

Туман ИИБда

«ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА БИР ТАНУ БИР ЖОНМИЗ»

Туман ИИБда маънавий-маърифий ишлар «Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!» концептуал ғояси асосида олиб борилмоқда. Шахсий таркиб орасида соғлом маънавий-руҳий муҳитни қарор топтириш, хизмат-интизомни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ходимларнинг сиёсий онгини юксалтиришга хизмат қилувчи маънавий-маърифий тадбирлар катта ўрин тутмоқда.



Ўтган йили 1-сонли ИИБ биноси янгитдан қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда маърифат зали ва навбатчилик қисмидан ташқари, бир қатор соҳавий хизматлар ходимлари учун барча қулайликларга эга хизмат хоналари мавжуд.

Шу ўринда айтиш лозимки, туман ИИБ пробация гуруҳида ҳисобида турган, тузалиш йўлига ўтган 78 нафар назоратдаги шахс муддатидан илгари шартли равишда жазони ўташдан озод қилинди. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида 12 марта меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, уларда 50 нафардан зиёд назоратдаги шахс иш билан таъминланди. Туман ижтимоий мослашув маркази орқали уларнинг 47 нафарига турмуш шароитини яхшилаши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Асосийси, олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида пробация гуруҳи ҳисобида турган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси – фуқаролар энг кўп мурожаат этадиган соҳавий хизматлардан бири. Буни яхши англаган соҳа ходимлари ўтган йили турли масалалар юзасидан мурожаат қилган қарийб 36 минг кишига сифатли хизмат кўрсатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 3949 нафар фуқарога шахсни идентификация қилувчи ID-карталар расмийлаштирилди. Шу билан бирга, қонунийликни таъминлаш мақсадида паспорт тизими қоидаларини бузгани учун 410 нафар ҳамюртимиз ва 17 нафар чет эл фуқаросига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Туман ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳи ходимлари хизматни самарали олиб бориши учун барча замонавий техник воситалар мавжуд. Бу қулайликлардан унумли фойдаланган экспертлар жиноятларни «иссиқ изида» очиш учун бор имкониятларини ишга



солмоқдалар. Катта эксперт, майор Э.Мирзаев эспертизанинг дактилоскопия ва трасология, эксперт, лейтенант У.Ниғматов эса дактилоскопия, баллистика, трасология ва хатшунослик турларидан хулоса бериш рухсатномасига эга.

Кези келганда эксперт-



лар томонидан ўтган йили 554 та ҳодиса жойи кўздан кечирилиб, ашёвий далиллар олинганини айтиб ўтиш керак. Шунингдек, эксперт-криминалистика гуруҳи ходимлари хизматни самарали олиб бориши учун барча замонавий техник воситалар мавжуд. Бу қулайликлардан унумли фойдаланган экспертлар жиноятларни «иссиқ изида» очиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Катта эксперт, майор Э.Мирзаев эспертизанинг дактилоскопия ва трасология, эксперт, лейтенант У.Ниғматов эса дактилоскопия, баллистика, трасология ва хатшунослик турларидан хулоса бериш рухсатномасига эга.

Кези келганда

Касбга садоқат – олий туйғу

УМРНИНГ АСЛ БЕЗАГИ

...Зариф танишига тегишли бўлган «Ласетти» автомашинасини Урганч шаҳрида хавфсизлик камарини тақмасдан бошқариб бораётганида вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Руслан Норметов томонидан тўхтатилди. Инспектор ҳайдовчидан тегишли ҳужжатларни тақдим қилишни сўради. Ҳайдовчида бирон-бир ҳужжат йўқ эди. Шу боис маъмурий баённома расмийлаштирилиб, автомашина вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилди.



Бу ҳолатдан асабийлашган ҳайдовчи автомашинани жарима майдонидан чиқариб олишни айнан катта сержант Руслан Норметов орқали амалга оширишни режалаштиради ва унга 350 минг сўм пора таклиф этади. ЙПХ инспектори унга белгиланган жаримани тўлагач, автомашинани бемалол олиб кетиши мумкинлигини, пора бериш эса жиноят эканлигини ётиғи билан тушунтиради. Афсуски, кундалик ҳаётдаги барча муаммолар пора билан ҳал бўлади, деб ўйлаган Зариф аҳдидан қайтмайди. Кейинги куни яна Р.Норметовни излаб топиб, уни пора олишдек жиноятга ундамоқчи бўлади. Огоҳлантиришлар, тушунтиришлар бесамар кетгач, ЙПХ инспектори қоидабузар ҳайдовчининг «таклифи» бўйича раҳбариятга мурожаат қилади. Ушбу мурожаат асосида тузилган тергов-тезкор гуруҳи белгиланган ҳудудга етиб келади ва қоидабузар ҳайдовчи жиноят устида ашёвий далиллар билан ушланади.

Шу тариқа, давлат ва халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйган ички ишлар органи ходимининг хизмат бурчига садоқати туфайли пора беришга уринган кимсалардан бирининг қилмиши фош этилди.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларини тамомлаб, мазкур лавозимда ҳалол хизмат қилаётган Руслан Норметов воҳага ташриф буюраётган сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаб келмоқда.

– Ўтган йили вилоятимизга 558 минг нафардан ортиқ туристлар келди, – дейди вилоят ИИБ ХТТБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Марат Худойберганов. – Уларнинг бой маданий меросимиз жойлашган ҳудудларга хавфсиз кузатувини ташкил этишда катта сержант Руслан Норметовнинг ҳиссаси катта. Шунингдек, унинг фавқулодда ҳолатларда фуқароларга беғараз ёрдам беришдаги фидойилиги алоҳида мақтовга лойиқ.

Холис ният билан қилинган ҳар бир хайрли иш умр безагига айланади. Зеро, одамлар корига яраш, уларга камарбаста бўлиш инсон учун чинакам бахтдир. Руслан Норметов ана шундай мард, фидойи, ўз касбининг устаси бўлган ходимлардан бири.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.




Суратларда: вилоят ИИБ ХТТБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Руслан Норметов хизмат пайтида.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган суратлар.

Из следственной практики

АЛКОГОЛЬ ДО ДОБРА НЕ ДОВОДИТ

Свадьба – знаменательное событие для каждого человека. Создание семьи – дело важное, все родители мечтают, чтобы их дети нашли достойную пару и рука об руку прошли жизненный путь. Тем не менее, между супругами временами возникает недопонимание, случаются неурядицы, а ссоры перерастают в скандалы.



Одной из причин проблем, возникающих в семье, является пристрастие супруга к спиртному. Алкоголь разрушает налаженную жизнь и даже доводит до скамьи подсудимых. О преступлении, совершенном в пьяном угаре, нам рассказал следователь СО УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района столицы майор Ж. Сафаров.

38-летний Сардор (имена изменены) и 33-летняя Нигора, прожили в совместном браке около тринадцати лет. У них росли четверо несовершеннолетних детей. В последнее время мужчина стал выпивать, что приводило к скандалам. Несколько раз Нигора забирала детей и уходила к родителям. И каждый раз, когда Сардор появлялся на пороге родительского дома, она прощала мужа, веря обещаниям, которые он давал. Родители Нигоры в душе были против, но ради дочери и внуков прощали непутевого зятя.

В один из декабрьских дней Сардор в очередной раз пришел домой подвыпившим и лег спать. После обеда Нигора собиралась на работу – она работает в школе уборщицей. Чтобы дети не разбудили отца, захватила их с собой. Через пару часов Сардор проснулся и обнаружил, что жены и детей нет дома. Решив, что Нигора забрала их с собой на работу, направился туда. По дороге заглянул в вино-водочный магазин и выпил очередную порцию спиртного. Однако в школе жену с детьми он не застал. Немного подумав, Сардор решил, что она ушла к родителям.

Некоторое время спустя разъяренный мужчина стоял у дверей отчего дома супруги. На стук вышел отец Нигоры. Зять, ничего не объясняя, стал требовать, чтобы Нигора не пряталась и выходила.

– Ее здесь нет, – ответил пожилой человек.

Ответ тестя разозлил Сардора.

– Нигора, выходи, что ты прячешься?! – кричал Сардор, пытаясь с криками вломиться внутрь.

Отец Нигоры встал в дверях и не впускал его. Под воздействием алкоголя, обозленный мужчина полез на тестя с кулаками, а затем повалил на землю. На шум выскочила теща и начала звать на помощь. На крики сбежались соседи. Мужчина, боясь огласки, скрылся с места происшествия.

Два пожилых человека получили телесные повреждения и обратились в УКД ОВД района с заявлением. В отношении Сардора возбуждено уголовное дело по части 2 статьи 109 («Умышленное легкое телесное повреждение») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Наш «герой», конечно, раскаялся, попросил прощения у родителей жены и у нее самой, но поверят ли они ему снова?

Эльвира САЛИЕВА.

Есть такая служба

ПРЕИМУЩЕСТВА НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма УВД Хорезмской области во взаимодействии с представителями соответствующих ведомств и общественности широко используют информационные технологии и средства связи для соблюдения мер безопасности в отношении гостей нашей страны.





В частности, в здании управления, расположенного возле государственного музея-заповедника Ичан-Кала, регулярно посещаемого туристами, создан «Ситуационный центр». Картинки с камер наблюдения, функционирующих по всей Хиве, выводятся на мониторы центра. К нему же подключено около двадцати «Кнопок вызова», установленных на туристических объектах древнего города и в других районах области для оказания помощи гостям. Эти технологии помогают блюстителям закона поддерживать образцовый общественный порядок на туристических объектах, обеспечивать безопасность граждан, проводить своевременное предупреждение правонарушений, выявлять преступления по горячим следам.

Камеры видеонаблюдения позволяют осуществлять круглосуточное наблюдение за территорией, контролировать правильное распределение сил и средств, находить разыскиваемых граждан. С помощью «Кнопок вызова» можно напрямую общаться с туристами, у которых возникли проблемы или вопросы, быстро оказать им практическую помощь.

В целях создания удобств для иностранных и местных туристов всю необходимую информацию: адреса, контактные телефоны, режим работы объектов туристического показа, отелей и другие сведения можно найти через Facebook и приложение Google Maps на узбекском и иностранных языках. Это позволяет зарубежным гостям, их гидам-переводчикам и местным жителям напрямую связываться с администрацией выбранной гостиницы, к примеру, бронировать ж/д или авиабилеты посредством сети. Кроме того, были изготовлены визитки с QR-кодами, позволяющие легко найти телефоны, адреса электронной почты объектов туристической инфраструктуры, учреждений общественного питания на узбекском, русском и английском языках.

Благодаря эффективному использованию сотрудниками Управления по обеспечению безопасного туризма УВД Хорезмской области информационных технологий и средств связи и надлежащей организации взаимодействия с соответствующими ведомствами в 2021 и с начала текущего года не было совершено ни одного преступления против иностранных и местных туристов.

Марат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
подполковник.
Хорезмская область.

Обсуждение преступления

ВСЕМУ ВИНОЮ БЕЗРАЗЛИЧИЕ...





Убийство, которое произошло 13 января этого года в Багдадском районе Ферганской области, потрясло многих. Местный житель О. Д. под воздействием алкоголя нанес ножевое ранение своему знакомому, М. Х., который так же был изрядно выпившим. В результате М. Х. скончался от полученных травм, а О. Д. сидит за решеткой.

Причины этого преступления руководство УВД Ферганской области обсуждало в махалле с участием широкой общественности. Был проведен глубокий анализ факторов, приведших к смерти человека. Участники собрания подчеркнули, что алкоголизм отрицательно влияет на человека, ведет его к пропасти, является причиной правонарушений.

На самом деле, если бы общественность проявляла бдительность, а окружающие – неравнодушие, то преступления могло и не быть...

Рассматриваемый инцидент произошел перед небольшим сельским магазином, где нелегально продается алкоголь. Именно купленная там и распитая недалеко от торговой точки бутылка явилась причиной беды. Напившись, мужчины начали ссориться, а затем в ход пошло холодное оружие. К сожалению, окружающие даже не попытались их остановить, призвать к порядку.


Закончилась поножовщиной и драка, которая произошла в тот же день на улице Туркестан, в г. Коканде. Гражданин Х. Н. обвинил молодого человека И. А. в оскорблении его чести и достоинства и нанес последнему ножевые ранения. В результате пострадавший, несмотря на оказанную медиками неотложную помощь, скончался от полученных травм.

Данное преступление обсуждалось в Коканде с участием руководителей УВД и общественности. Акцентируя внимание на причинах трагедии, ответственные лица заявили, что в подобных ситуациях «виновато» неумение наших граждан, особенно молодых, относиться к различным житейским ситуациям «с трезвым умом и холодным сердцем». Было подчеркнуто, что старейшины и ветераны, многое повидавшие на своем жизненном пути, должны назидать молодежь, объяснять подрастающему поколению, что надо быть терпимыми, уметь прощать, проявлять взаимоуважение, вежливость.

По итогам обсуждений был разработан план мероприятий, которые сотрудники правоохранительных органов во взаимодействии с представителями широкой общественности должны проводить с юношами и девушками для предотвращения в будущем подобных преступлений.

Абдувосит СИДИКОВ,
корреспондент
«Postda»
Ферганская область.

Кўзгудаги биз



ТЕЛЕФОНОМАНИЯ

ёхуд мобиль қарамликнинг охири борми?

Икки дўст телеграмм орқали ёзишяпти:

– Жимага ухламаяпсан?

– Интернетда ўтирибман.

– Ха-а, зўр! Мен эса меҳмондаман...

– Кимникида?

– Сеникида.

– Жин урсин! Эсимдан чиқиб қолибсан-ку!

Кулдингиз-а... Йиғлаш керак, аслида. Телефономанияни энг янги ва ёш «касаллик» деб айтиш мумкин. Ахборот асрининг салбий хусусиятларидан бири сифатида кўрилаётган мобиль алоқа воситаларига қарамлик бугун барчани ташвишга солмоқда.

Шубҳасиз, мобиль алоқа воситалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган. Улар воситасида биз яқинларимиз, билан узоқда туриб бемалол суҳбатлаша оламиз, интернет орқали турли маълумотларни топамиз. Энг бахтли онларимизни суратга, тасвирга олишимиз мумкин, жуда кўп маълумотларни телефон хотирасига юклаб олиб, уларни бемалол бошқаларга етказиб берамиз. Ҳаттоки Ер шарининг бир бурчагида туриб иккинчи бурчагида қандай воқеалар юз бераётганини билиш имкониятига эгамиз.

Бироқ мобиль қурилмалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш натижасида инсон унинг зарарли таъсирига дучор бўлмоқда. Масалан, баъзан смартфонлардан фойдаланиш маънавиятимизга жиддий таъсир қилишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Гоҳида руҳий тушкунлик одамларни интернетга қарамликка олиб келади. Интернетда ўтказиладиган қизиқарли вақт уларнинг қайғусини бироз унутишига ёрдам беради. Муаммоларнинг олдини олиш учун интернет ва технологияларга кўпроқ вақт сарфлайдиганлар охир-оқибат уларга қарам бўлиб қолади.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, телефономанияга чалинганларда ўзини назорат қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетади. Бора-бора бир дақиқа экранга қарамаса, бўлмайдиган даражага етиб келиши мумкин.

Замонавий кишининг бир кунда ўртача уч соат вақти бевосита смартфон билан ўтади. Аммо уни ҳамиша қўлда ушлаб юришга ўтдингизми – демак, ҳаётингизга ўзгартириш киритиш керак экан. Ахир, энди телефон сизники эмас, балки сиз уники бўлиб боряпсиз!

Бизга ёрдам бериши керак бўлган кўпчилик технологиялар аслида бизнинг тўлақонли яшашимизга халақит беради. Бу борада энг кўп зарар айнан смартфонлардан келади, чунки улардан кун давомида (баъзиларимиз тун бўйи ҳам) деярли



ажралмаймиз. Олимларнинг аниқлашича, смартфонлар пайдо бўлмасидан аввал, оддий телефонларга кишилар кунига ўртача 18 дақиқа вақт сарфлашган экан.

«Олимлар қизиқ бир сўровнома ўтказиб кўришди, – дейди Нью-Йорк университети маркетинг профессори, руҳшунос Адам Алтер. – Унда иштирокчилар шунақа саволга жавоб беришган: «Иккита вариантдан бирини танланг: масалан, йиқилиб тушганингизда смартфонингиз сингани қўрқинчлироқми ёки бирор суягингизми?» Сўровномада қатнашган америкаликларнинг 46 фоизи смартфонидан кўра ўз суяги синишини маъқул кўришган! Қолган 54 фоизи ўз соғлиғини ёқлаб овоз берган эса-да, уларнинг бу қарорга келиши ҳам осон бўлмаган».

Сизнинг ҳам кўз олдингизга сўз устаси Аваз Охуннинг латифасидаги «ишқилиб умуртқам синган бўлсин-да...» дея «шайтонлаб» қолган талаба келдими? Куласиз-а... Қўлингиздаги бир парча матоҳ, умрингиз, соғлиғингиздан ҳам азизроқ бўлиб қолгани учун ўзингизга ачинишингиз, йиғлашингиз керак эмасми, аслида?!

Дастурхон атрофи кўпроқ Wi-Fi уясига ўхшаб қолаётган бугунги асримизда смартфоннинг ёрқин экранидан ажралиш катталар учун ҳам, болалар учун ҳам мушкул вазифага айланиб бормоқда. Қанчалик зарарли эканлигини билсак-да, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар, янгиликлар, видеолавҳалар доимо эътиборимизни тортади ва бармоқларимиз ўз-ўзидан экран атрофида югуришни бошлайди.

Биз гиёҳвандлик иллатининг ҳаётимиз учун хавфлилиги ҳақида кўп гапирамиз. Бироқ кафтингизга сиғадиган кичик қурилма ёрдамида бутун дунё билан доимий алоқада бўлиш зарурати ҳақиқий хавфга айланиб бораётганлиги ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Йўл-транспорт ҳодисалари туфайли автомобиль ғилдираклари остида қолиш ёки темирйўл кесишмаларида юз бераётган ўлим – буларнинг барчаси виртуал ботқоққа қанчалик чуқур ботиб бораётганимиз, онгу шууримиз телефономания дея аталмиш иллатнинг салбий оқибатларидан азият чекаётганини кўрсатадиган огоҳлантирувчи аломатлардир.



25 январь куни мамлакатимиз бўйлаб электр энергиясида кузатилган узилишлар фонида кўпчилигимиз ушбу неъматнинг қадрини яна бир бор ҳис этдик, десак, янглишмаган бўламиз. Ҳатто эҳтиёж ортгани боис сув ва шамни икки-уч бабобар нархда сотган «учар» тадбиркорларни ҳам кўрдик. Эл бошига ташвиш тушса, нафсидан ўзгасини ўйламайдиган бундай кимсаларни халқимиз ўзи номлаб олади. Аммо ҳозирча бугунги мавзумизга оид бўлганини айтмоқчимиз, холос.

Ўз-ўзидан маълумки, электр энергияси бўлмагач, интернет ҳам, Wi-Fi ҳам ишламади. Кечга бориб мобиль телефонларда ҳам қувват тугади. Кечки овқатни шам ёруғида, бир дастурхон атрофида қилдик. Овқатланиб бўлгач, шу қадар суҳбат бўлдики, ҳеч кимнинг тургиси келмай қолди. (Аслида қаерга ҳам борардик. Шам битта бўлса.) Болаларга ўзимизнинг, ўзларининг болалиги ҳақидаги хотираларни сўзлаб бердик. Бугуни, эртасига оид режалари билан қизиқдик. Хуллас, ўйлаб кўрсам, анчадан буён бу каби самимий суҳбатлашмаган эканмиз. Уйқуга кетар маҳалимиз кенжа қизим яхши бир таклиф айтиб қолди. Сизга ҳам илиндим: «Энди ҳар куни ҳеч бўлмаганда икки соат Wi-Fiни ўчириб, шунақа суҳбатлашсак бўлар экан». Биз шунга келишдик. Сиз-чи?

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Postda» мухбири.

BOLAJON



SHAXMAT

Qadimda hindistonliklar to‘rt kishi ishtirokida o‘ynaladigan «chaturanga» o‘yinini o‘ynaganlar. Har bir ishtirokchining figuradan tashkil topgan o‘z armiyasi bo‘lgan. Figuralar sakkizga sakkiz o‘lchamli kvadrat doskaning to‘rt tarafiga qo‘yilgan. O‘yinchilar bir-birlariga qarshi o‘ynashgan. Figuralar ma’lum qoida bo‘yicha harakatlangan. Kimki dushman figuralarni yutsa, u o‘yinda g‘olib bo‘lgan.

Keyinchalik ushbu o‘yin Arabistonning sharqiy qismida ham ommalashgan. O‘yin qoidalariga bir qancha o‘zgartirishlar kiritilgan. Shuningdek, o‘yinchilar soni ikkitaga qisqargan, figuralar soni esa oshgan. Bu yerda ushbu o‘yin «shatranj» nomini olgan. Vaqt o‘tib bu o‘yinni tojiklar ham o‘ynay boshlaganlar. Aynan tojiklar o‘yinga siz va biz bilgan «shaxmat» nomini berishgan. Shaxmat so‘zining ma’nosi — «shox mot», ya’ni «shoh mag‘lub bo‘ldi», degan ma’noni anglatadi.

Shundan so‘ng shaxmat o‘yini boshqa davlatlarda ham juda ommalashgan. Sekin-asta shaxmat klublari ham paydo bo‘ldi. U yerda o‘yinchilar shaxmat o‘ynaganlar va o‘yin ixlosmandlari ham aynan shu yerga yig‘ilganlar.

1575-yilda shaxmat bo‘yicha xalqaro turnir qirol Filip II tomonidan ilk marotaba uyushtirilgan bo‘lib, ushbu turnir Madrid shahrida bo‘lib o‘tgan. Unda ikki italyan shaxmatchisiga qarshi ikkita ispan o‘yinchisi o‘ynagan.

Oradan vaqt o‘tib, shaxmat sport turiga kiritildi. Ikki yilda bir marotaba shaxmat bo‘yicha olimpiada o‘tkaziladi. Uning o‘z qoidalari va shu bilan birga mukofot-u unvonlari bor. Eng yuqori unvon — grossmeysterlikdir. Bu unvonni egallash uchun shaxmatchidan tinmay mehnat qilish va o‘z xatolari ustida ishlash talab etiladi.

DEHQONLAR VA KARTOSHKA

Uch nafar dehqon ko‘cha bo‘ylab ketishayotgan edi. Biroz dam olib, tushlik qilish maqsadida yon-atrofdagi oshxonaga kirishdi. Oshxona bekasiga suvda pishgan kartoshka olib kelishini buyurib, o‘zlari uxlab qolishdi. Biroz vaqt o‘tib, oshxona bekasi kartoshkalarni olib kelib, stolning ustiga qo‘yib ketdi. Lekin dehqonlarni uyg‘otmadi. Dehqonlardan biri uyg‘onib, stol ustida turgan kartoshkalarga ko‘zi tushdi. Sheriklarini turg‘izmay, kartoshkalarni sanab, uch kishiga teng taqsimladi. U o‘z ulushini yeb, yana yotib uxlab qoldi. Keyin ikkinchi dehqon ham uyg‘onib, kartoshkalarni ko‘rdi va u ham qolgan kartoshkalarni uchga bo‘ldi. O‘ziga tegishli kartoshkani yeb, yana uyquga ketdi. Uchinchi dehqon ham uyg‘onib, sheriklari turib o‘z ulushlarini yeganliklarini bilmay, idishda qolgan kartoshkalarni uchga teng taqsimlab o‘ziga tegishlisini yeb qo‘ydi. Sheriklari uyg‘onib, idishda 8 ta kartoshka qolganini ko‘rishdi. Shunda hammasi ayon bo‘ldi.



Demak, oshxona bekasi nechta kartoshka pishirib olib kelgan? Dehqonlarning har biri nechtadan kartoshka yegan?

KALIT





Ushbu kalit o‘n dona sanoq cho‘plaridan yasalgan. Siz to‘rt dona sanoq cho‘plarining joyini shunday o‘zgartiringki, uch dona to‘rtburchak hosil bo‘lsin.

Aziz bolajonlar, echkiga bolalariga yetib olishiga yordam bering



PLASTILINDAN JIRAFA YASASHNI O‘RGANAMIZ





Sahifa materiallarini
Madina QAHHOROVA tayyorladi.

Записки профессионала

БЕРЕГИСЬ АВТОМОБИЛЯ,
или По следам угнанных машин

Впечатление от беседы с ветераном органов внутренних дел, членом Совета ветеранов ГУВД г. Ташкента, заместителем председателя Совета ветеранов УКД ОВД Сергелийского района капитаном в отставке Мирсиддиком Мирразиковым, превзошло все мои ожидания. Умудренный жизненным и профессиональным опытом ветеран оказался настолько интересным рассказчиком, что хотелось слушать его, не обращая внимания на время. Мирсиддик Мирсаидович обладает прекрасной памятью, позволившей ему увлекательно рассказывать о событиях давно минувших лет, словно это было еще вчера.



В 1985 году он начал службу в подразделение УГАИ ГУВД столицы. С этого дня для Мирсиддика Мирразикова началась жизнь, в какой-то степени похожая на сюжет детективного романа – с погонями, схватками с преступниками, задержаниями. Герою нашего повествования, доселе жившему спокойно и размеренно, было невдомек, что придется идти путем опасным и полным непредсказуемых ситуаций. Но о том он никогда не жалел и делал свое дело честно и правильно.

– По специфике службы я занимался розыском угнанных автомобилей, – рассказывает М. Мирразиков, – причем работал и днем, и ночью. Очень рад тому, что сотрудники органов внутренних дел нынешнего времени имеют на вооружении современную технику и оснащение, новейшие скоростные компьютеризированные автомобили, гаджеты, мобильные телефоны, другие средства связи, камеры видеонаблюдения. С технической стороной вопроса в наши годы было сложно, хотя имелись различные приспособления, портативные радиостанции. При этом было огромное желание работать на результат, решать поставленные задачи эффективно и в срок, да и здоровье, конечно, было отменное, что очень помогало, когда приходилось целыми неделями выслеживать угонщиков, задерживать и обезвреживать их. Я упорно шел по следу преступников, прекрасно понимая, что если задержишь сразу, то они бросят автомобили, скроются и не приведут меня к тому месту, где хранятся угнанные машины, которые впоследствии будут разобраны на запчасти. Преступники также похищали новые автомобили, а потом вымогали у владельца деньги за них. Они были способны на многое, могли даже пойти на убийство, чтобы уйти от правосудия. Я родился в Ташкенте, а потому хорошо знал махаллинские дороги, по которым преступники пытались скрыться, они не передвигались по центральным улицам, а передвигались в основном по переулкам и второстепенным дорогам. Но в любом случае, рано или поздно их устанавливали и задерживали.

Двадцать лет Мирсиддик ака отдал органам внутренних дел, неустанно выполняя свой служебный долг, обеспечивая мир, правопорядок и безопасность. За годы беззаветной и самоотверженной службы он неоднократно удостаивался благодарности, поощрений и почетных грамот от руководства, снискал уважение коллег по службе. В 2005 году вышел на заслуженный отдых, и, казалось бы, теперь уж можно уделить время себе, семье, детям и многочисленным внукам. Но не таков герой нашего повествования, и как большинство ветеранов правоохраны продолжает свое почетное дело. Конечно, уже давно он не охотится за угонщиками автомобилей, не выслеживает их в засадах, не вступает в жесткое противостояние, но всему этому обучает молодое поколение блюстителей правопорядка, делится с ними богатым профессиональным и жизненным опытом, навыками, тайнами мастерства, при этом активно участвует в жизни подразделения.

Никогда не сидеть сложа руки, а быть всегда востребованным и полезным обществу – таков девиз заслуженного ветерана, капитана в отставке Мирсиддика Мирразикова сделавшего немало для того чтобы на дорогах столицы было спокойно.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».

Служба пробации

ОБРЕСТИ НАДЕЖДУ

В целях предупреждения правонарушений и организации эффективной профилактической работы среди населения, оказания помощи оступившимся и нуждающимся в поддержке гражданам на днях в Учтепинском районном суде по уголовным делам состоялось судебное заседание, на котором рассматривались вопросы условно-досрочного освобождения подучетных лиц.



– В ходе заседания рассматривались рекомендации, представленные сотрудниками службы пробации Учтепинского района, – говорит судья Чиланзарского районного суда по уголовным делам Хусан Хамидов. – Суд учел примерное поведение, семейное положение, возмещение материального ущерба, другие смягчающие обстоятельства. Исходя из этого, в соответствии со ст. 73 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, были освобождены шестеро подучетных граждан.

Пока шло заседание и люди в волнении ожидали своей очереди, нам удалось побеседовать с теми, кто в этот день покидал стены суда, получив шанс начать жизнь с чистого листа.

На лице Дилмурода Ю. видна улыбка. Он один из тех, кому сегодня подарили надежду.

– В феврале 2015 года я был осужден по ст. 273 УК Республики Узбекистан. Отбывал срок наказания. За это время много думал и сделал определенные выводы. Примерно вел себя, ответственно относился к работе, вследствие чего, благодаря сотрудникам службы пробации, смог освободиться досрочно. Благодарю за оказанные доверие и помощь, спасибо суду и всем, кто поверил в меня.



Аналогичное мероприятие прошло в Шайхантахурском районном суде по уголовным делам. В ходе слушания судьи рассмотрели дела подсудимых. Было принято во внимание их примерное поведение, раскаяние, то, что они не нарушали порядок отбывания наказания, имеют положительную характеристику с места жительства и уже сделали для себя соответствующие выводы. В связи с этим было принято решение освободить от уголовной ответственности, согласно ст. 73 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, 10 граждан, состоящих на учете группы пробации.

В заключение судебных заседаний была проведена профилактическая беседа с условно-досрочно освобожденными гражданами. Присутствующие задавали ответственным лицам вопросы, касающиеся получения паспорта и трудоустройства, и получали на них исчерпывающие ответы.

Соб. корр.
Фото Хусана КАСИМОВА.

Танқид ва таҳлил

Уқувсизлик, шошқалоқлик умримизни қисқартмасин!

Кунда-кунора фалон ерда автоҳалокат содир бўлгани, кимнингдир шикастлангани ёки шифохонада оғир жароҳатдан вафот этгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушади. Аввал-лари бундай хабарларга ажабланиб, куюниб, ачинган бўлсак, ҳозир бунга ақлимиз ҳам кўникиб бораётгандек, гўё. Балки, бундай ахборот оқими дийдамизни қотириб ташлаётгандир. Аммо буларнинг ижтимоий тармоқларда бот-бот кўрсатилаётганидан мақсад бор. У ҳам бўлса, кўзимизни очиш, бироз бўлса-да, ҳушёр торттириш.



Хўш, ҳушёр тортаяпмизми? Мудҳиш, кўнгилсиз ҳолатлардан етарлича хулоса чиқаряпмизми? Ёки ўпкамизни қўлтиқлаб қаёққа, нимага елиб-югураётганимизни ҳали ҳам фаҳмламай, фикрламай югургилашда давом этаяпмизми?

Қўл-оёғимизга айланган автомобиллар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётгани рост. Бироқ улардан фойдаланаётганда қоидаларга амал қилмаслик, кўзлаган манзилимизга иложи бўлса «учиб бориб, учиб келиш»га интилишимиз, баъзан йўлларнинг носозлиги туфайли йўл-транспорт ҳодисалари сони ортаётгани кишини ўйга толдиради. Яна айрим ҳайдовчиларимизнинг бир-бирини ҳурмат қилмаслиги ҳам турли кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабчиси бўлиб қолаётгани-чи?

Яна бир муаммо ҳайдовчилар тайёрлаш билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Негаки, мамлакатимизда ҳайдовчилар тайёрлаш тизимини тўла талабга жавоб беради, дея ишонч билан айта олмаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас: «Йўлларда хавфсиз ҳаракатланишга шароит яратиш, авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, бунинг учун ҳаракатларни бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш зарур. Умуман, ҳайдовчилик гувоҳномасини ўқимасдан олиш оддий ҳолга айланиб қолди. Шунинг учун авариялар сони соат сайин ошиб бормоқда. Биз ўқиганимизда 3 йил ҳайдовчиликка ўқитган. Ҳозир дарсга бормай, пул бериб гувоҳнома оляпти. Нимага? Ўзбекистонда қонун йўқми?»

Давлатимиз раҳбари бу муаммони бартараф қилиш учун, аввало, ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, иккинчидан, ўқитмасдан ва ўргатмасдан гувоҳнома бериш «жинояти»га қарши жазони кучайтириш бўйича бир ой муддатда қонунчиликка қўшимча киритиш юзасидан таклиф тайёрлаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Автоҳалокатларнинг олдини олиш учун жойларда, хусусан, Сурхондарё вилоятида вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари қандай чоралар кўрмоқда? Автотранспорт воситалари ҳаракати назорати қай тартибда амалга оширилмоқда?

– Воҳа бўйлаб жойлаштирилган фото ва видеокузатув мосламалари сони 2021 йили 42 тага етказилди. Ушбу кузатув камералари бир вақтнинг ўзида 4 та автомашинанинг қандай тезликда ҳаракатланаётганини 150 метргача масофадан аниқлай олади, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, лейтенант Элнур Абраев. – Шунингдек, ходимларимиз вилоят ҳудудлари бўйлаб 5 та автотранспорт воситасида ҳаракатланган ҳолда фото ва видеокузатувларни амалга оширмоқда. Йўлларда хавфсизликни таъминлаш борасида ана шундай ишлар қилинаётганига қарамасдан, йўл-транспорт ҳодисалари, афсуски, кўпайганини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2020 йилда 340 та автоҳалокат рўй берган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 389 тага етган. Ушбу йўл-транспорт ҳодисаларида 131 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган бўлса, 312 нафар фуқаро тан жароҳати олган.



Масаланинг бошқа томони ҳам борки, бу рақамлар айнан воқеа жойидан олинган ҳолатга таяниб статистикага киритилган. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида маълум вақт ўтгандан сўнг вафот этганлар, майиб-мажруҳ бўлиб қолганларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, жабрланганлар сони янада ортади.

Жорий йилнинг 12 январигача бўлган ҳолатни оладиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида 11 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. 3 та ўлим, 8 та тан жароҳати билан статистикага муҳрланган ушбу автоҳалокатлар ортидаги қисматлар эса аянчли.

– Воҳа ҳудудида содир этилаётган автоҳалокатлар сонининг ортиши, оғир оқибатларга олиб келиши соҳа ичида юрган ходим – мутахассис сифатида мени ҳам қийнайди, – дейди лейтенант Элнур Абраев. – Ваҳоланки, бугун ҳукуматимиз томонидан автотранспорт воситалари ҳайдовчилари учун қатор қулайликлар яратилган. Мисол учун, ҳудудлараро ЙПХ постлари олиб ташланди, йўл-патруль хизмати ходимлари белгиланган ҳудудларда туриб, ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиши чекланди. Устига устак, йўл четларида ўрнатилган 5.43 йўл белгилари ҳудудда фото ёки видеорадар ўрнатилганлигини кўрсатади. Минг афсуски, айрим ҳайдовчилар бу каби имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, такрор ва такрор қоидабузарлик содир этаверади.

Хулоса шуки, йўл ҳаракати қоидалари фақат ҳайдовчилар учун эмас, балки пиёдалар учун ҳам бирдек масъулият юклайди. Радарлар кўпайишидан нолиш, қандай қилиб унинг объективидан қочиш ҳақида эмас, йўл ҳаракати қоидаларига тўлақонли риоя этишни, маст ҳолда автомобиль ҳайдамасликни, тўғри келган жойдан эмас, пиёдалар йўлакчаларидан ўтишни ўйлаган инсон мақсадига ҳам, манзилига ҳам етади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.





Соҳа фидойилари

ОТАНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси шахсий таркиби орасида зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб, эл-юрт осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Бош бошқарманинг йўловчи поездларини кузатиш батальони сафдор ходими Уйғун Раҳматов ана шундай ходимлардан биридир.

У. Раҳматов ички ишлар органларидаги фаолиятини Транспортдаги ИИБ Қарши темирйўл бекатидаги тармоқ ИИБ йўловчи поездларини кузатиш гуруҳи милиционери вазифасидан бошлаган.

Ўтган йиллар давомида касбий малака ва тажрибасини ошириб борган қаҳрамонимиз йўловчиларнинг ўз манзилига соғ-саломат етиб боришида, йўловчи поездларида тақиқланган буюмлар ташилишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатди.

Хусусан, зийраклиги ва ҳушёрлиги туфайли





2014 йил август ойида «Москва-Душанбе» транзит поездида йўловчилардан бири кир ювиш машинаси ичида ов қуроли ҳамда «Макаров» пистолети қисмларини олиб ўтаётганини аниқлади.

Яқинда эса «Тошкент – Урганч» поездида йўловчилардан бири қўл сумкасини унутиб қолдиргани вагонларни кўздан кечираётган Уйғун Раҳматовнинг эътиборини тортди. Сумка ичидаги фуқаролик паспорти маълумотлари асосида унинг эгаси аниқланди. Паспорт ва сумка ичида бўлган 4 минг 700 АҚШ доллари миқдоридаги пул ўз эгасига топширилди...

– Йўловчилар бизга ишонч билдиради, – дейди сафдор Уйғун Раҳматов. – Улар хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, ишончни оқлаш ҳам фаолиятимизда муҳим ўрин тутади. Хизмат жараёнида нафақат юртдошларимиз, балки кўплаб хорижий давлатлар фуқаролари билан ҳам мулоқот қиламиз. Шу боис бизнинг хатти-ҳаракатимиз, муомаламиз уларнинг она Ватанимиз ҳақидаги тассуротларининг бир қисмини ташкил этишини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Уйғуннинг бу касбни танлаши бежиз эмас. Отаси марҳум Турғун Раҳматов ҳам узоқ йиллар шу соҳада хизмат қилиб йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган. Бугун унинг шарафли касбини икки фарзанди давом эттиряпти. Уйғуннинг укаси Эркин Раҳматов Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш маркази сафдор ходими. Демакки, эл-юрт тинчлиги йўлидаги хайрли ишлар бардавомдир.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.

Муносабат

КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙМАН!

Ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиш болаликдаги орзуим эди. Шу боис, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олдим. Таълим жараёнида ҳарбий соҳанинг сир-синоатини чуқур ўрганишга, жанговар-тактик ўқув машғулотлари, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Билим юртини тамомлагач, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисмларда турли лавозимларда хизмат фаолиятимни давом эттирдим.



Шундан сўнг икки йил ИИВ ХАХТҚ Фарғона халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальонида хизмат қилдим. Айни вақтда қўшинларга қарашли Урганч алоҳида батальони моддий таъминот, коммунал фойдаланиш ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари хизмати бошлиғи лавозимида хизмат қилаяпман. Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчилар учун яратиб берилаётган шароитлар, имтиёзу имкониятлардан жуда мамнунман.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини бутун халқимиз муносиб нишонлади. Юртбошимиз байрам муносабати билан биз ҳарбийларга табрик йўллаб, кўплаб соҳа фидойиларини муносиб тақдирлади. Табрикни эшитиб, Ватан ҳимоячиси бўлганимдан, юртим тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан жуда фахрландим. Энг муҳими, байрам менга қўшалоқ келди. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 30 йил» эсдалик нишони билан тақдирландим. Бу эътироф мени янада ғайрат-шижоат билан хизмат қилишга, Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асрашга ундайди.

Одилбек ҚУРАНБАЕВ,
майор.

Хоразм вилояти.

Шеърий лаҳза

ТИЛАК

Ҳар кимнинг ҳам
сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин
юзларига, доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам
қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо —
бир таёқ тушсин.

Иймони соф, юзга
кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб
елкасидан тоғ тушсин.
Жисмига сўнгги
сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан
тупроқ тушсин...

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ПРОДУКТЫ ДЛЯ УСВОЕНИЯ ЖИРНОЙ ПИЩИ

Почти каждому знакомы малоприятные ощущения, возникающие после плотного обеда, изобилующего жирной пищей. Жиры – не абсолютное зло. Без них организм человека не смог бы функционировать. Однако их избыток способен привести к тяжести в животе, боли в желудке, изжоге, отрыжке.

Какие продукты способны ускорить расщепление жиров?



Специи

Снизить вред от употребления жирной пищи способны некоторые приправы и специи. Среди них паприка, куркума, корица, молотый перец. Они выводят из организма излишек жидкости, очищая его от токсинов и ядов, а также налаживают обмен веществ, ускоряют расщепление жиров, предупреждая вероятность формирования на стенках сосудов холестериновых бляшек.

Полифенолы



В какао, чае, кофе, ростках зерен, некоторых фруктах и овощах содержатся полифенолы. Эти растительные антиоксиданты активизируют жировой обмен, снижая всасываемость жиров и способствуя похудению. Ученые советуют пить после жирной пищи зеленый чай. Он не только снижает последствия неправильного питания, но и способствует мягкой очистке сосудистых стенок от холестериновых бляшек.

Овощи и фрукты

Ускорить расщепление жиров помогают свежие овощи и фрукты. В их состав входят пектины, витамины и минералы. Они снижают риск отложения холестериновых бляшек в сосудах, а также повышают показатель полезного холестерина. Достаточно выпить стакан цитрусового фреша или съесть яблоко, банан, грушу, виноград. Рацион питания с преобладанием овощей и фруктов



поможет похудеть и восстановить здоровье.

Отдельно стоит сказать о моркови. Этот корнеплод содержит огромный ассортимент полезных веществ. Среди них пектин, каротин. Для нейтрализации вредного холестерина, поступившего с пищей, достаточно съесть одну-две морковки в день.

КАК СБЕРЕЧЬ ЗРЕНИЕ

Дозируйте зрительную нагрузку, работая за компьютером, через час работы делайте 10-минутный перерыв. Расстояние от глаз до монитора должно равняться 50-60 см, до книги, при чтении, – 30-35 см.


Не читайте в транспорте. При тряске глаз вынужден все время перестраиваться, это отрицательно сказывается на его функциях.

В солнечные дни носите солнцезащитные очки со стеклами, не пропускающими ультрафиолетовое излучение.

Контролируйте здоровье сосудов.

Питайтесь правильно. Это поможет сохранить и здоровье в целом, и здоровье глаз.

Посещайте офтальмолога раз в год для профилактических осмотров. Если обнаружены нарушения, не тяните с лечением, четко соблюдайте все назначения врача.



БОЛГАРСКИЙ ПЕРЕЦ И ЕГО СВОЙСТВА

Этот продукт рекомендуется употреблять людям, страдающим болезнями сердечно-сосудистой системы, сахарным диабетом, отеками, дерматитом, низким иммунитетом, анемией, бессонницей.



Перец стимулирует работу желудка и поджелудочной железы, снижает артериальное давление, разжижает кровь, препятствуя образованию тромбов. Он также улучшает память, избавляет от депрессии, регулирует обмен веществ, восстанавливает работоспособность.

Сладкий красный перец помогает бороться с бронхитом, улучшает дыхание.

Люди, которые употребляют этот продукт ежедневно, отличаются завидным здоровьем, оптимизмом, у них практически никогда не бывает плохого настроения.

Перец улучшает зрение. Оказывает благотворное влияние на состояние зубов, очищает, увлажняет и заметно омолаживает кожу, улучшает ее эластичность. Ногти становятся блестящими и не ломаются. Волосы становятся пышными и быстро растут.

Перец рекомендуется тем, кто сидит на диетах. Его можно есть сырым, запекать, мариновать. Он прекрасно насыщает и утоляет не только голод, но и жажду.


Перец надежный друг для тех, кто до глубокой старости хочет оставаться красивым, молодым, полным сил и оптимизма.

Перед употреблением посоветуйтесь с медицинским специалистом.

Это интересно

Оптимисты живут дольше

Известно, что люди самодостаточные и жизнерадостные могут похвастаться крепким здоровьем и долголетием. Специалисты доказали взаимосвязь между настроением человека, его психическим состоянием и продолжительностью жизни.



Оказалось, что не последнюю роль играют «гормоны счастья». Если человек чувствует себя счастливым, полон положительных эмоций, то серотонин и эндорфин положительно влияют на организм. Выработка данных гормонов осуществляется в головном мозге.

Несмотря на развитие прогресса, специалисты еще не представили обществу искусственный препарат, который смог бы заменить серотонин и эндорфин. Только сам человек может повлиять на выработку организмом «гормонов счастья». Для этого надо вкусно и полезно питаться, заниматься спортом, видеть во всем только хорошее, одним словом – быть оптимистом.

Полезные советы



Не запивайте лекарства холодной водой.

Не употребляйте калорийные продукты после 7 вечера.

Уменьшите количество масла и соли в еде.

Пейте больше воды в течение дня.

Лучшее время для сна – с 10 вечера до 5 утра.

Не принимайте лекарства перед едой и сразу после нее.

Не разговаривайте по телефону, когда он почти разряжен, уровень излучения возрастает в 1 000 раз.

Подготовлено по материалам интернета.

Жиноятга жазо муқаррар

ХОРИЖГА РЕЙС «ҚОЛДИРИЛДИ»

Орамизда шундай кишилар борки, уларни инсон дейишга тил бормайди. Ахир, ўз ватандошларини чет элдаги ҳамтоваққларига пуллашни кўзлаган кимсаларни нима деб аташ мумкин? Д.Норматова (исм-шарифлар ўзгартирилган) инсонийлик қиёфасини йўқотган ана шундай кимсалардан бири бўлиб чиқди.



Тезкор маълумотлар асосида Туркиядан мамлакатимиз фуқароси Н.Каипованинг номига Тошкент – Истамбул йўналиши бўйича электрон авиачипта юборилгани аниқланди. Бирор жойда ишламаган, Гулистон шаҳрида яшайдиган аёлга ким, нима мақсадда авиачипта юбориши мумкин? Ички ишлар органлари ходимлари кузатуви давомида Д.Норматова фуқаро Н.Каипова билан алоқага чиқиб, чипта етиб келгани ва сафарга чиқишга тайёр туришини тайинлагани маълум бўлди. Кўп ўтмасдан, у Н.Каиповани Тошкент халқаро аэропорти орқали Туркияга юбориш ниятида Гулистон шаҳридан олиб кетаётган вақтда ушланди.

Суриштирувлар давомида Д.Норматованинг асл юзи очилди. У Н.Каиповадан ташқари яна бир неча фуқароларни хорижга фоҳишалик қилиш учун юборишни мақсад қилгани маълум бўлди. Хусусан, у Туркия фуқароси бўлган Вали исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Ф.Раҳматқулова ва З.Норбековани ушбу давлатга фоҳишалик билан шуғулланиш учун жўнатишни кўзлайди. Режага кўра Вали уларни чет элда кутиб олиб, Анталия шаҳридаги меҳмонхонага жойлаштириши зарур эди. Худди шу тартибда фуқаро Н.Боймуродова ва Н.Соипованинг ҳам Туркияга сафари режалаштирилади.

Энг ачинарлиси, Туркияга сафар қилмоқчи бўлган аёллар у ерга нима мақсадда бораётганини, нима иш қилишини олдиндан билишган. Шунга рози бўлиб, «ишлаб топган» пулининг 50 фоизини Валига беришга кўнишган. Д.Норматовадан виза билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа харажатлар учун бир миллион сўм пул ҳам олишган.

Тергов давомида Д.Норматованинг барча кирдикорлари фош этилди. Унинг жиноий шеригини топиш ва ушлаш мақсадида жиноят иши алоҳида иш юритувига олинди. Ва яқинда жиноят иши юзасидан суд ҳукми ўқилди. Унга кўра, Д.Норматовага 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Postda» мухбири.
Сирдарё вилояти.

Эҳтиёт бўлинг: фирибгар!

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ – ЎРТАНСА ЁМОН

Фирибгарлик жиноятлари тафсилотлари билан танишсангиз, улар кўпинча ўзларини турли лавозимларда намоён этишига гувоҳ бўласиз. Лавҳамиз «қаҳрамони» қўшкўпирлик Қосим (исмлар ўзгартирилди) ҳам ўзини жонкуяр тадбиркор сифатида кўрсатиб, ўнлаб содда ва ишонувчан фуқароларни чув туширди.

Қосим муқаддам суднинг қора курсисига ўтирган эди. Аммо бундан тўғри хулоса чиқармади, аксинча, жазо муддати тугамасдан яна жиноятга қўл урди. У бу гал бегоналарни эмас, маҳалладошларини, синфдош дўстларини, яқин қадрдонларини тузоғига илинтириб, уларнинг ҳаққига кўз олайтирди. Аввалига синфдош дўстининг онаси Феруза опанинг ишончига кириб, унинг номига АТ «Халқ банки» Қўшкўпир тумани филиалидан 15 миллион сўм кредит маблағини олишга эришди ва уни қайтармасдан ўз эҳтиёжи йўлида сарфлаб юборди.

Режаси осон амалга ошганидан хурсанд бўлган Қосим энди оилавий корхона раҳбари, дўсти Қурбонни кўз остига олди. Алдов ва фирибда анчагина «тажриба» тўплаган бу кимса «Тадбиркорлик субъектларига онлайн кредит ажратиш бўйича оммавий оферта» шартномасига асосан, «Агробанк» АТБ Қўшкўпир тумани филиалининг 50 миллион 500 минг сўмлик кредитини қўлга киритди. Дўстининг соддалигидан фойдаланган Қосим кўп ўтмай яна кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлаб, уларга имзо қўйдирди ва «Халқ банки» туман филиалидан аввалига 16 миллион 500 минг сўм, кейинроқ эса 15 миллион сўм кредит маблағини олишга муваффақ бўлди.

Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган устомон жиноий фаолиятини давом эттириб, синфдоши Худойберганга ҳам раҳм қилмади. Унинг номига масъулияти чекланган жамият ташкил этишга бош-қош бўлиб, ҳамкорликда ишлай бошлади. Беғараз ёрдамидан хурсанд бўлган Худойберган «дўсти»га батамом ишонди. МЧЖ муҳрини қўлга киритган Қосим «Агробанк»нинг Қўшкўпир тумани филиалидан бир йил муддатга 50 миллион 500 минг сўм кредит олишга эришди.

Фирибгарнинг қилмишлари шу билан якунига етган, деб ўйларсиз. Йўқ, бели оғримай пул топишга мазахўрак бўлган Қосим қинғир ишларини яна давом эттирди. Таниши Сапарбойни ҳам ваъдаларига ишонтириб, унинг номига банк пластик карточкасини очтирди. Сўнгра 10 миллион сўмлик банк истеъмол кредитини расмийлаштириб, уни жиғилдонига урди. Кредитни қайтариш муддати келганида эса турли баҳоналар билан танишини алдаб юраверди.



Орадан кўп вақт ўтмади, фирибгарнинг қилмишлари фош бўлди. Унинг ширин ваъдаларига учган жабрланувчилар банклардан қарздор бўлиб, мушкул аҳволга тушиб қолишди. Шундан сўнг улар ички ишлар органига мурожаат қилишди.

Жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир тумани суди томонидан Қосимнинг жиноий қилмишлари атрофлича ўрганиб чиқилди ва унга муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Акбар АМИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир тумани суди раиси.
Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят мухбири, капитан Михли Сафаровга падари бузруквори
БОЙСУН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИИВ Фахрийлар кенгаши Ички ишлар органлари фахрийлари, истеъфодаги подполковниклар
Миробид УСМОНОВ ҳамда
Ислом УМАРОВларнинг
вафот этганлиги муносабати билан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИИВ Жазони ижро этиш департаменти раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Академияси магистратура тингловчиси, подполковник Шокиржон Содиқовга синглиси
Одинабону СОДИҚОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ВЕЛИКИЙ УЗНИК – «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО»



Произведение французского писателя Александра Дюма (отца) «Граф Монте-Кристо» можно без сомнения отнести к разряду истинных и неповторимых шедевров мировой литературы. В преддверии 220-летия со дня рождения великого писателя мы расскажем о его произведении, повествующем о любви, предательстве, вере, надежде, мужестве.

Роман был задуман Дюма в начале 1840-х годов. Имя своему герою писатель придумал во время путешествия по Средиземному морю, когда увидел остров Монтекристо и услышал легенду о зарытых там несметных сокровищах.

Сюжет романа Александр Дюма почерпнул из архивов парижской полиции. Подлинная жизнь Франсуа Пико под пером блестящего мастера историко-приключенческого жанра превратилась в историю об Эдмоне Дантесе, узнике замка Иф.

Книга захватывает, оставляя множество противоречивых эмоций и поводов к размышлению. Это произведение переносит читателей во Францию начала XIX века – эпоху политических противоречий. Бонапартисты вели тайную борьбу за то, чтобы Наполеон снова правил страной, но при этом многие опасались открыто выступать против существующей власти, боясь наказания. Именно эта ситуация и сыграла злую шутку с главным героем.

В сюжет романа Александр Дюма сумел вплести невероятные взлеты и падения, эпизоды подлого предательства и чистой любви, моменты отчаяния и искреннего раскаяния. Автор изобличает алчность и желание власти, зависть и корысть, боязнь потерять лицо и отсутствие справедливости. При этом он не делает главного героя ангелом, и тем понятнее и ближе становится Эдмон Дантес читателю.

Моряк Эдмон Дантес был предан своими приятелями. Они из зависти хотели подшутить над ним, но кто-то воспринял это не как шутку, а как шанс убрать с пути противника. Эдмон был обвинен в государственной измене. Прямо с собственной свадьбы его отправили в тюрьму, разлучив с возлюбленной, а его старый отец остался в одиночестве. Прокурор де Вильфор в то время только начинал свою карьеру и дал ход делу.

Главный герой оказался заключенным в замке Иф, который был окружен водой. В какой-то момент он совсем отчаялся, но волею случая познакомился с другим узником из соседней камеры. Им оказался аббат Фариа, очень умный и начитанный человек. За годы, проведенные в заключении, он многому научил Эдмона, находя в этом отраду для себя. Также он рассказал о сокровищах, хранящихся на острове Монте-кристо. Смерть аббата дала возможность Эдмону сбежать из тюрьмы.

Спустя годы в обществе Франции появился некий граф Монте-Кристо, странный и порой пугающий, но в то же время создающий впечатление умного и доброжелательного человека. Он знал обо всех тайнах известных представителей этого общества и пришел, чтобы отомстить. Граф встретился лицом к лицу со своими врагами. Он ждал годы, чтобы свершить правосудие, вскрыть людские пороки.





Успех «Графа Монте-Кристо» превзошел все предыдущие произведения писателя. Таким успехом на тот момент во Франции не пользовался ни один роман. По нему ставили спектакли в театрах, а его автор стал знаменитым.

Подготовил
Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент
«На посту».

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
(с 31 января по 6 февраля)



Овен. Вас ждет масса деловых предложений, знакомств. Постарайтесь извлечь больше пользы из благоприятных ситуаций. Предстоит встреча с родственниками, не отказывайте им в помощи. Выходные будут насыщенные, полные приятных и полезных хлопот.



Телец. Почин этих дней откроет прекрасные перспективы на будущее. Активизируйте все умственные способности. Действуйте продуманно и ответственно. В воскресенье отдохните, устройте семейный праздник, не забудьте про детей.




Близнецы. В начале недели вас будут беспокоить финансовые проблемы – временно переключитесь на то, что приносит успокоение вашей душе. Совместный поход в театр с детьми доставит удовольствие им и вам. Сейчас можно ставить новые цели и думать над путями их реализации.




Рак. У вас могут появиться новые источники дохода – не упустите удачу. Но будьте начеку: есть опасность интриг и обманов. Во второй половине недели занимайтесь семьей и домом. В воскресенье отправьтесь в поход по магазинам за покупками.




Лев. Положительные перемены ждут вас в ближайшем будущем. Правда, для этого придется приложить немного усилий. Обратитесь за помощью к близкому другу, если она потребуется. Омрачить данный период могут трудности во взаимоотношениях с детьми.



Дева. Вы почувствуете заметный прилив сил. Это поможет справиться с непростыми задачами на работе и дома. Старайтесь поддерживать со всеми теплые отношения. Высыпайтесь, обратите внимание на питание. В конце недели хорошо выехать на природу.



Весы. Вы будете трудиться на пределе возможностей и сможете прилично заработать. В середине недели пообщайтесь с родственниками, от них получите ценные советы. Пользуйтесь случаем, решайте вопросы, устраивайте встречи. В начале недели может поступить выгодное предложение. Не пропустите!



Скорпион. Следует больше внимания уделять окружающим, не пренебрегайте их советами. Все ваше внимание должно быть направлено на здоровье! С ним все в порядке, но профилактика не будет лишней. На работе постарайтесь не браться за важные проекты.

Стрелец. Отношения с родственниками будут оставлять желать лучшего. Сейчас важно не брать деньги в долг, это будет сильно тяготить. Лучше бросьте все силы на дополнительный заработок. Шансы его получить высокие! В выходные будьте готовы принимать быстрые решения.

Козерог. Планирование будущего пока отложите: уж слишком насыщенным окажется настоящее! Будьте готовы к гонке на работе и к серьезным, но приятным домашним задачам. Ко всему относитесь с улыбкой, и все получится на «ура». Будьте внимательнее за рулем.

Водолей. Если вы собирались садиться на диету для похудения, перенесите планы на другое время. В противном случае сил затратите много, а результат радости не принесет. В понедельник вас ждет встреча с человеком, который может многое изменить в вашей жизни.

Рыбы. Проявляйте основательность в решении любых, даже самых мелких вопросов. Со вторника старайтесь выделять больше времени отдыху, найдите возможность для уединения и релаксации. Теплая ванна, любимая книга и ароматный кофе – то, что нужно.

Ўқишни тавсия этаман

«ЖОНИМДИН ЎЗГА ЁРИ ВАФОДОР ТОПМАДИМ...»

Бу муқаддас замин шонли тарихимизда дунё тамаддунига беқиёс улуш қўшган кўплаб улуғ алломаларимизга бешик бўлган. Моҳир саркарда, етук давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, шубҳасиз, ана шундай улуғ сиймолардан биридир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини ҳар гал қўлимга оларканман, ана шу ҳаётий ҳақиқатга такрор юзлашаётганимни ўйлаб тўлқинланиб кетаман.

«Юлдузли тунлар» ўзбек адабиётининг энг сара тарихий романлари сирасига киради. Унда Мовароуннаҳрдек салтанатнинг парчаланиб кетиши, Темурийлар сулоласининг инқирози, ҳокимиятга эришиш илинжида тахт талашиб, бир-бирига қилич кўтарган оғаини, тоға-жиянларнинг фожиавий қисмати акс эттирилган. Роман воқеалари орқали ўқувчи ўзаро низолар, фитна, фисқу фасод туфайли юзага келган қонли урушлар, аёвсиз хунрезликлардан, қонхўр беклар зулмидан силласи буткул қуриган халқнинг ғоят ночор аҳволи билан ҳам танишади.


Улкан истеъдод соҳиби бўлган адиб Пиримқул Қодиров ўзининг ибораси билан айтганда, «тарихни телескоп билан кузатиб», Бобур замонасини кўзи билан кўргандек тасвирлаган. Романни мутолаа қилган ўқувчи кўз олдида буюк аждодимиз Мирзо Бобур ва замондошлари сиймоси яққол намоён бўлади.

«Бир куни тушимда Мирзо Бобур негадир мени туртиб қўйганмиш, – деганди Пиримқул Қодиров интервьюларидан бирида. – Уйғониб қарасам, тип-тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Шу куни Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини ўйлаб ётгандим. Ўша бетакрор романнинг номига ҳамоҳанг равишда буни «Юлдузли тунлар» деб аташ фикри пайдо бўлди»...

Ўн икки ёшида Фарғона водийсида давлат бошлиғи бўлиш Мирзо Бобурга бобокалони – Амир Темурдан мерос эди. Тенгсиз даҳо даражасидаги истеъдод ва довюраклик ҳам унга Амир Темурдан ўтган ирсий мерос бўлди. Бобур ўз номига муносиб шердиллик билан Самарқанд учун курашиб, бобомерос шаҳарни уч марта қўлга киритди. Аммо тақдир тақозоси билан кўнглига туккан орзуси – пароканда вилоятларнинг бошини қовуштириб улуғ давлат барпо этиш ниятини Ҳиндистонда амалга оширади.

Асарнинг бош қаҳрамони Мирзо Бобур одамлардаги бемеҳрлик, бир-бирини кўролмаслик, худбинлик, хиёнат сингари жирканч иллатлар билан ғоят эрта, ўн икки ёшда тахтга ўтирганида рўбарў бўлди. Тақдирнинг аянчли зарбаларидан зада бўлган шоҳнинг куйган юраги, шоир қалби қаландарликни ихтиёр этгани ажаб эмас. Асар мутолааси давомида бутун умр Ватан ишқида ёниб, соғинч билан ўртаниб, «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим...» дея изтироб чеккан бобокалонимиз дарди китобхон қалбини ларзага солади.





Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним, рафиқаси Моҳим бегим, фарзанди Ҳумоюн мирзо ҳамда Қосимбек, меъмор Фазлиддин, Тоҳир сингари садоқатли инсонлар билан муомалаларини хаёлан кўз олдингиздан ўтказаркансиз, ғамхўр ўғил, меҳрибон ота, оқибатли умр йўлдош каби инсоний фазилатларини ҳам кашф этасиз.

Асарда 1526 йилда Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лоди билан бўлган «Филлар жанги» моҳирона тасвирланади «...Жамна дарёси бўйлаб жанубга томон ҳаракат қилиб бораётган Бобур қўшини Деҳлидан эллик чақиримча шимолдаги Панипат шаҳрига келиб тўхтади. Деҳли султони Иброҳим Лоди юз мингга яқин аскар ва бир ярим минг жанговар фил билан Агра томонидан яқинлашиб келмоқда эди. Иброҳим Лоди шу филлари ва аскарлари билан бултур Деҳли бўсағасида Оламхон, Диловархон ва бошқа душманларининг қирқ минг кишилик қўшинини тор-мор келтирганди. Бобурнинг қўшини эса ўн икки мингдан ошмас эди...» Мутолаа давомида Бобурнинг саркардалик тажрибасига қойил қоласиз. У ҳарбий санъатни фақат дўстларидан эмас, душманларидан ҳам ўрганганига ишонч ҳосил қиласиз. «Бобур тўп ва милтиқ ишлатишнинг аҳамиятини биринчи марта иттифоқдош Шоҳ Исмоилга қараб билган бўлса, тўлғама ишлатишда ашаддий ёвлари Шайбонийхон ва Убайдуллахоннинг тажрибасини ўзлаштирган эди. У аччиқ мағлубиятлар жараёнида орттирган барча ҳарбий тажрибаларини бугун гўё ягона бир муштга тугиб, майдонга усталик билан ташлади-ю, ташаббусни дарҳол қўлга олди...»

Мирзо Бобур Панипат жангида қозонилган ғалабаси шарафига бошқа ҳукмдорлардан фарқли равишда боғ барпо этади. Одамларига ҳинд элининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилишни тайинлайди. Шу билан бирга, кўплаб бидъат одатларни бартараф этади. Масалан, унгача аёлнинг марҳум эри билан бирга оловда ёниши одатга айланган эди. Бобур ана шу одатни бекор қилиб инсонпарварликнинг ноёб намунасини кўрсатади.

«Юлдузли тунлар»ни мутолаа қиларкансиз, оғир аҳволда ётган бемор ўғли Ҳумоюнга ёрдам бера олмаган шоҳ ва шоирнинг чорасизлигидан сизнинг ҳам қалбингиз ларзага келади. Ўз фарзанди жонини асраб қолиш эвазига ширин жонини қурбон қилишга-да шай бўлган ОТА қиёфаси қалбингизга муҳрланиб қолади...

Хуллас, романда Бобурнинг ҳинд элида она юртида амалга ошира олмаган улкан орзуларини рўёбга чиқариши, улкан салтанат барпо этиши тарихий манбалар асосида бадиий бўёқларда гўзал тасвирларда ифода этиладики, бу улуғ ёзувчимизнинг маҳоратидан дарак беради.

Саодат ЖУМАНОВА,
Ички ишлар вазирлиги
Ихтисослаштирилган
мактаб-интернати
ўқитувчиси.

Postda
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant
Aziza BOHODIROVA

Mas’ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat
hisob raqami
20210000700447980001.
Bank kodi 01179.
ATB
«Qishloqqurilishbank»ning
Sergeli filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-5010.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 52 194 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.